

1—2-MAVZU: To'plam va ular ustida amallar.

Reja:

1. To'plam va uning elementlari.
2. To'plamlar ustida amallar va ularning hossalari.
3. Eyler-Venn diagrammalari

Tayanch so'zlar: To'plam va uning elementlari, to'plamlar kesishmasi, birlashmasi, ayirmasi, bo'sh to'plam, universal to'plam.

To'plam tushunchasi matematikaning boshlang'ich tushunchalaridan bo'lib, u ta'rifsiz qabul qilinadi. To'plamni tashkil qiluvchi obyektlar uning elementlari deyiladi. To'plamlarni A , a , a , A yoki A harflari bilan belgilaymiz. To'plam bir qancha elementlardan iborat bo'lishi mumkin, quyidagi yozuv:

$$a \in A \quad (1.1)$$

a elementni A to'plamga tegishlilikini bildiradi.

$$a \notin A \quad (1.2)$$

a elementni A to'plamga tegishli emasligini bildiradi, yoki mantiq belgisidan foydalangan holda $\neg(a \in A)$ ko'rinishda yozishimiz mumkin. Agar $a \in A$ bo'lsa, u holda a element A to'plamga tegishli deyiladi¹.

Hajmlilik Aksiomasiga ko'ra to'plam elementlarini quyidagicha belgilashimiz ham mumkin,

$$A = \{1, a, t, x\}, \quad (1.3)$$

bunda, A to'plam tarkibida 1 soni va a, t, x harfiy belgilar kiradi.

To'liqlik Aksiomasiga ko'ra to'plam elementlari soni uning tarkibiga kiruvchi elementlar bilan aniqlanib ularning qanday tartiblanganiga bog'liq emas.

(3) A to'plam $\{a, x, 1, t\}$ to'plam bilan xam va $\{x, t, a, 1, 1, t, a, t, x\}$ to'plam bilan xam bir xildir².

To'plamlar ustida amallar

Agar A va B to'plamlar bir xil elementlardan tashkil topgan bo'lsa bu to'plamlar teng deyiladi. U holda to'liqlik aksiomasiga ko'ra agar ikkita to'plam bir xil elementlar jamlanmasidan tuzilgan bo'lsa ular teng bo'ladi. Masalan

Agar A to'plamning xar bir elementi B to'plamning ham elementi bo'lsa, A to'plam B to'plamning to'plamostisi deyiladi va

$$A \subset B \text{ yoki } \{1, 2, 3\} = \{2, 1, 3\} = \{1, 1, 2, 3\}. \quad A \subseteq B \text{ orqali belgilanadi.}$$

Bu belgilshlardan birinchisi A to'plam B to'plamning qismi va $A \neq B$ ekanligini ikkinchisi esa A to'plam B to'plamning qismi bo'lib ular teng bo'lishiyam va teng bo'lmasligiyam mumkinligini bildiradi. Masalan $\{x, t\} \subset \{x, t, 1\}$.

Ihtiyoriy A to'plam uchun $A \subseteq A$ munosabat o'rinli bo'ladi.

Yuqoridagilarni matematik tilda quyidagicha yozish mumkin:

$$A \subseteq B \equiv (\forall x \in A)(x \in B)$$

$$A \subsetneq B \equiv (\forall x \in A)(x \in B) \wedge (A \neq B)$$

Bu yozuvda $\wedge$ yozuvi "va" ma'nosini bildiradi. Ba'zida ayrimlar $\subset$ belgisi o'rniga $\subseteq$ belgisini ayrimlar esa $\subsetneq$ belgisini ishlatadi. $A \not\subseteq B$ bo'lganda A to'plam B to'plamning xos to'plam ostisi deyiladi.

¹ Herbert Gintis, Mathematical Literacy for Humanists, 11-12, 14-15 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

² Herbert Gintis, Mathematical Literacy for Humanists, 11-12, 14-15 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

Ixtiyoriy A to'plam uchun $\emptyset \subseteq A$, agar $A \neq \emptyset$ u holda $\emptyset \subsetneq A$.

A va B to'plamlarning ayirmasi deb, A to'plamning B to'plamga kirmagan barcha elementlardan tashkil topgan to'plamga aytiladi va $A \setminus B$ yoki $A-B$

Ko'rinishlarda belgilanadi. A va B to'plamlarning ayirmasini mantiq qoidalariga ko'ra bunday yozamiz:

$$A - B = A \setminus B = \{x | x \in A \wedge x \notin B\}$$

A va B to'plamlarning kamida biriga tegishli bo'lgan barcha elementlardan tashkil topgan $A \cup B$ to'plam A va B to'plamlarning birlashmasi yoki yig'indisi deyiladi. Buni matematik tilda quyidagicha yozamiz

$$A \cup B = \{x | x \in A \vee x \in B\}.$$

Masalan: $\{1, x, a\} \cup \{2, 7, x\} = \{1, x, a, 2, 7\}$

A va B to'plamlarning kesishmasi yoki ko'paytmasi deb, A va B to'plamlarning barcha umumiy, ya'ni A ga ham, B ga ham tegishli elementlardan tashkil topgan $A \cap B$ to'plamga aytiladi. A va B to'plamlarning kesishmasi mantiq qoidalariga ko'ra bunday yozamiz:

$$A \cap B = \{x | x \in A \wedge x \in B\}$$

Matematikaning ba'zi sohalarida faqatgina birorta to'plam va uning barcha to'plamostilari bilan ish ko'rishga to'g'ri keladi. Masalan, planimetriya tekislik va uning barcha to'plamostilari bilan, stereometriya esa fazo va uning barcha to'plamostilari bilan ish ko'radi.

Agar biror E to'plam va faqat uning to'plamostilari bilan ish ko'rsak, bunday E to'plamni universal to'plam deb ataymiz. Universal to'plamning barcha to'plamostilari to'plamini $\beta(E)$ orqali belgilaymiz.

To'plamlar ustida bajariladigan algebraik amallar quyidagi xossalarga ega.

1⁰. $A \cap A = A$ kesishmaning idempotentligi;

2⁰. $A \cup A = A$ birlashmaning idempotentligi;

3⁰. $A \cap B = B \cap A$
 $A \cup B = B \cup A$ kesishma va birlashmaning kommutativligi;

4⁰. 2⁰. $(A \cap B) \cap C = A \cap (B \cap C)$
 $(A \cup B) \cup C = A \cup (B \cup C)$ kesishma va birlashmaning assosiativligi

5⁰. Kesishmaning birlashmaga nisbatan distributivligi:

$$A \cap (B \cup C) = (A \cap B) \cup (A \cap C);$$

6⁰. Birlashmaning kesishmaga nisbatan distributivligi:

$$A \cup (B \cap C) = (A \cup B) \cap (A \cup C);$$

7⁰. $(A \setminus B) \cap C = (A \cap C) \setminus B = (A \cap C) \setminus (B \cap C);$

$A_1 \cup A_2 \cup \dots \cup A_n \cup \dots$ birlashmani $\bigcup_{i=1}^{\infty} A_i$, $A_1 \cap A_2 \cap \dots \cap A_n \cap \dots$ kesishmani $\bigcap_{i=1}^{\infty} A_i$ deb belgilab

olsak, yana quyidagi xossalarga ega bo'lamiz. $A_i, i = 1 \dots$ to'plamlar birorta X to'plamning to'plamostilari bo'lsin, u holda

$$8^{\circ}. X \setminus \bigcup_{i=1}^{\infty} A_i = \bigcap_{i=1}^{\infty} (X \setminus A_i);$$

$$9^{\circ}. X \setminus \bigcap_{i=1}^{\infty} A_i = \bigcup_{i=1}^{\infty} (X \setminus A_i).$$

Bu tengliklarni isbotlash uchun, tengliklarning chap tomonidagi to'plamga tegishli ixtiyoriy element, tenglikning o'ng tomonidagi to'plamga tegishli va to'plamning chap tomonidagi

to'plamga tegishli ixtiyoriy element chap tomonidagi to'plamga ham tegishli bo'lishini ko'rsatish etarli.

To'mlamlar ustida amallarni Eyler-Venn diagrammalari deb ataladigan quyidagi shakllar yordamida ifoda qilish, amallarning xossalarini isbot qilishni ancha engillashtiradi.

Universal to'plam to'g'ri to'rt burchak shaklida, uning to'plamostilarini to'g'ri to'rtburchak ichidagi doiralar orqali ifoda qilinadi. U xolda, ikki to'plam birlashmasi, kesishmasi, ayirmasi, to'lduruvchi to'plamlar, ikki to'plamning simmetrik ayirmasi mos ravishda quyidagicha ifodalanadi:

Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:

1. To'plam tushunchasini misollar yordamida tushuntiring.
2. To'plamlar ustida bajariladigan amallarni tushuntiring.
3. To'plamlar ustida bajariladigan amallarni diogrammalar orqali tushuntiring.

3-4-mavzu: Matematik mantiq elementlari. Mulohazalar va ustida amallar.

Reja:

1. Mulohaza haqida tushuncha.
2. Mulohazalar ustida amallar.

Tayanch so'zlar: Mulohaza, mulohazalar inkori, mulohazalar konyunksiyasi, mulohazalar dizyunksiyasi mulohazalar implikasiyasi, mulohazalar ekvivalensiyasi.

Mulohazalar odatda lotin alifbosining kichik harflari bilan belgilanadi. Masalan, a, b, c, Mulohazalar algebrasining logik amallari maxsus harflar va belgilar orqali berilganda quyidagicha o'qiladi:

$p \wedge q$	p va q
	p yoki q
$p \vee q$	p emas
	p dan q kelib chiqadi
$\neg p$	p agar faqat va faqat agar q
$p \rightarrow q$	yolg'on
	rost.
$p \leftrightarrow q$	
$\perp$	
$\top$	

Agar mulohazalar o'rtasiga mantiq amallaridan qo'ysak, yangi mulohaza hosil bo'lib, bunday mulohazaga qo'shma mulohaza deyiladi. Mulohazalar algebrasida rost yoki yolg'on tushunchalari asosiy tushunchalardan hisoblanadi. Qo'shma mulohazaning rost yoki yolg'on ekanligini ta'rifdan kelib chiqqan holda jadval asosida ko'rish birmuncha qulaylik tug'diradi. Bunday jadvalga rostlik jadvali ham deyiladi.

Mulohazalar ustida konyunksiya, dizyunksiya, implikasiya va ekvivalensiya amallari mavjud bo'lib ularning rostlik jadvali quyidagicha bo'ladi.

p	$\neg p$	p	q	$p \wedge q$	p	q	$p \vee q$	p	q	$p \leftrightarrow q$
T	F	T	T	T	T	T	T	T	T	T
T	F	T	F	F	T	F	T	T	F	F
F	T	F	T	F	F	T	T	F	T	F
F	T	F	F	F	F	F	F	F	F	T

Mulohaza matematik mantiqning asosiy tushunchalaridan bo'lib, u rost yoki yolg'onligi bir qiymatli aniqlanadigan darak gapdir. Masalan, «Kvadrat to'g'ri to'rtburchakdir», «7-tub son», « $2 > 5$ » kabi tasdiqlar mulohazalar bo'lib, birinchi va ikkinchi mulohazalar rost, uchinchi mulohaza esa yolg'on mulohazadir.

Demak, biror bir gap mulohaza bo'lishi uchun, u albatta darak gap bo'lishi va rost yoki yolg'onligi bir qiymatli aniqlanishi shart.

Undov, so'roq gaplar mulohaza bo'la olmaydi. Rost mulohazaga 1 qiymatni, yolg'on mulohazaga 0 qiymatni mos qo'yamiz. Mulohazalarni lotin alifbosining bosh harflari bilan belgilashni kelishib olamiz.

Quyida biz berilgan mulohazalardan mantiq amallari deb ataladigan amallar yordamida boshqa mulohazalar hosil qilish usullarini ko'rib chiqamiz.

Ta'rif. Berilgan A mulohaza rost bo'lganda yolg'on, A mulohaza yolg'on bo'lganda rost bo'ladigan mulohaza A mulohazaning inkori deyiladi va $\neg A$ yoki $\bar{A}$ orqali belgilanadi.

Inkor amali quyidagi jadval yordamida to'liq aniqlanadi:

A	$\neg A$
1	0
0	1

Bunday jadvallarni rostlik jadvali deb ataymiz.

Masalan, A mulohaza - «7-tub son» degan rost mulohaza bo'lsin, u holda

$\neg A$ - «7-tub son emas» degan yolg'on mulohazadan iborat.

Ta'rif. A va V mulohazalar rost bo'lgandagina rost bo'lib, qolgan hollarda yolg'on bo'ladigan mulohaza A va V mulohazalarning kon'yunksiyasi deyiladi va $A \wedge V$ yoki $A \& V$ ko'rinishda belgilanadi

Kon'yunksiya amalining rostlik jadvali quyidagichadir:

A	V	$A \wedge V$
1	1	1
1	0	0
0	1	0
0	0	0

Ta'rif. A va V mulohazalar diz'yunksiyasi deb, A va V mulohazalarning ikkalasi ham yolg'on bo'lgandagina yolg'on, qolgan hollarda rost bo'ladigan $A \vee V$ mulohazaga aytiladi.

Ta'rif. A va V mulohazalar implikasiyasi deb, A mulohaza rost va V mulohaza yolg'on bo'lgandagina yolg'on, qolgan hollarda rost bo'ladigan $A \rightarrow V$ mulohazaga aytiladi.

Ta'rif. A va V mulohazalar ekvivalensiyasi deb, A va V mulohazalarning ikkalasi ham yolg'on yoki rost bo'lganda rost, qolgan hollarda yolg'on bo'ladigan $A \leftrightarrow V$ mulohazaga aytiladi

Bu amallar uchun rostlik jadvallarini keltiramiz:

A	V	$A \vee V$	$A \rightarrow V$	$A \leftrightarrow V$
1	1	1	1	1
1	0	1	0	0
0	1	1	1	0
0	0	0	1	1

$\wedge$ - mantiqiy ko'paytirish, $\vee$ - mantiqiy qo'shish amallari deb yuritiladi. $A \wedge V$ mulohazani A va V; $A \vee V$ mulohazani A yoki V; $A \rightarrow V$ mulohazani A mulohazadan V mulohaza kelib chiqadi yoki agar A bo'lsa, u xolda V bo'ladi; $A \leftrightarrow V$ mulohazani A mulohazadan V mulohaza va V

mulohazadan A mulohaza kelib chiqadi yoki A bo'ladi, faqat va faqat shu holda-ki, agar V bo'lsa, deb o'qiymiz.

Mulohazalar to'plamini M harfi bilan belgilaylik. U holda M to'plam, unda bajariladigan barcha $\neg, \wedge, \vee, \rightarrow, \leftrightarrow$ amallar bilan birgalikda mulohazalar algebrasini deb yuritiladi. Mulohazalar algebrasini qisqacha MA orqali belgilaymiz.

M to'plamda bajariladigan amallarni bajarilish tartibi quyidagicha: avval inkor amali bajariladi, agar inkor amali qavslardan tashqarida bo'lsa, u xolda qavs ichidagi amallar bajariladi. Keyin kon'yunksiya, undan so'ng diz'yunksiya, implikasiya va nihoyat ekvivalensiya amallari bajariladi.

Matematik mulohazalarni yuqoridagi belgilar yordamida ifoda etishga doir misollar keltiramiz:

1-misol. Agar $a > b$ va $b > c$ bo'lsa, $a > c$ bo'ladi. $(a > b) \wedge (b > c) \Rightarrow (a > c)$.

2-misol. $a > b$ bo'lsa, $a + c > b + c$ bo'ladi. $(a > b) \Rightarrow (a + c > b + c)$.

3-misol. $a = 0$ yoki $b = 0$ bo'lsa, $ab = 0$ bo'ladi va aksincha, $ab = 0$ bo'lsa, $a = 0$ yoki $b = 0$ bo'ladi. $(ab = 0) \Leftrightarrow ((a = 0) \vee (b = 0))$.

4-misol. $a > 0$ va $b > 0$ bo'lsa, $ab > 0$ bo'ladi. $(a > 0) \wedge (b > 0) \Rightarrow (ab > 0)$.

5-misol. Ixtiyoriy x haqiqiy son uchun $|x| \geq x$. $\forall x \in R: |x| \geq x$.

6-misol. Ixtiyoriy $a \geq 0$ son uchun, shunday $x \in R$ son mavjudki, $x^2 = a$ bo'ladi, ya'ni $\forall a \geq 0, \exists x \in R: x^2 = a$.

Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:

1. Mulohaza tushunchasiga ta'rif bering.
2. Mulohazaga misollar keltiring.
3. Mulohazalar inkorini ta'riflang.
4. Mulohazalar konyunksiyasini ta'riflang.
5. Mulohazalar dizyunksiyasini ta'riflang.
6. Mulohazalar implikasiyasini ta'riflang.
7. Mulohazalar ekvivalensiyasini ta'riflang.

5-6- MAVZU. TEKISLIKDA TO'G'RI CHIZIQ VA UNING TENGLAMALARI DOIR MASALALAR

Reja:

1. Chiziq va uning tenglamasi haqida.
2. To'g'ri chiziq va uning tenglamalari:
3. To'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyentli tenglamasi.
4. Berilgan bitta va ikkita nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamalari.
5. To'g'ri chiziqning umumiy tenglamasi va uning xususiy hollari.
6. To'g'ri chiziqning kesmalarga nisbatan tenglamasi.
7. To'g'ri chiziqning normal tenglamasi
8. Ikki to'g'ri chiziq orasidagi burchak.
9. To'g'ri chiziqlarning perpendikulyarlik va parallellik shartlari.
8. Ikkita to'g'ri chiziqning kesishuvi.
9. Nuqtadan to'g'ri chiziqqacha bo'lgan masofa.

Tayanch ibora va tushunchalar

Tekislikda chiziq va uning tenglamasi, burchak koeffitsiyent, to'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyentli tenglamasi, to'g'ri chiziqning umumiy tenglamasi, to'g'ri chiziqning o'qlardan ajratgan kesmalarga nisbatan tenglamasi, berilgan bitta nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar tenglamasi, berilgan ikki nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi, to'g'ri chiziqning normal

tenglamasi. To'g'ri chiziqlar orasidagi burchak, to'g'ri chiziqlarning perpendikulyarligi va parallelligi, ikkita to'g'ri chiziqlarning kesishuvi, berilgan nuqtadan berilgan to'g'ri chiziqqa bo'lgan masofa, ikkita parallel to'g'ri chiziqlar orasidagi masofa.

1. Chiziq va uning tenglamasi haqida. Analitik geometriyaning eng muhim tushunchalaridan biri, **chiziq tenglamasi** tushunchasidir. Tekislikda to'g'ri burchakli koordinatlar sistemasida L chiziq berilgan bo'lsin (4-chizma).




Ta'rif. L chiziqda yotuvchi istalgan $M(x, y)$ nuqtaning koordinatlari

$$F(x, y) = 0 \quad (1)$$

tenglamani qanoatlantirib, unda yotmagan nuqtalarning koordinatlari qanoatlantirmasa, bu tenglama L chiziqning tenglamasi deyiladi. Bundan L chiziq, koordinatlari (1) tenglamani qanoatlantiruvchi barcha nuqtalar to'plamidan iborat ekanligi kelib chiqadi. Chiziqning tenglamasini tuzish deganda unga tegishli ixtiyoriy $M(x, y)$ nuqtaning koordinatlari orasidagi munosabatni (bog'lanishni) tenglama ko'rinishida ifodalashdan iborat. Topilgan chiziq tenglamasi uchun: chiziqdagi istalgan nuqtaning koordinatlari uni qanoatlantiradi va aksincha, nuqtaning koordinatlari tenglamani qanoatlantirsa, bu nuqta shu chiziqda yotadi.

2. To'g'ri chiziq va uning tenglamalari. To'g'ri chiziq tushunchasi analitik geometriyaning asosiy tushunchalaridan biridir. Quyida har xil holatlarda to'g'ri chiziqning analitik ifodalarini (tenglamalarini) keltirib chiqaramiz va ular yordamida to'g'ri chiziqning tekislikdagi vaziyatlarini o'rganamiz.

1) To'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyentli tenglamasi. To'g'ri chiziqning OX o'qi musbat yo'nalishi bilan hosil qilgan burchagi va to'g'ri chiziqning ordinatlar o'qidan ajratgan kesmasining kattaligi b berilganda, uning tekislikdagi holati aniq bo'ladi. Masalan, $b = 3$, $\alpha = 125^\circ$ bo'lsa, uning holati aniq bo'ladi (5-chizma).



Yuqoridagi miqdorlar berilganda to'g'ri chiziqning tenglamasini keltirib chiqaramiz. $M(x, y)$ to'g'ri chiziqqa tegishli ixtiyoriy nuqta bo'lsin (6-chizma). AMB to'g'ri burchakli uchburchakdan

$$\frac{BM}{AB} = \operatorname{tg} \alpha, \text{ bundan } BM = AB \operatorname{tg} \alpha$$

6-chizmadan $y = BC + BM$; ёки $y = AB \operatorname{tg} \alpha + b$, $AB = x$ bo'lganligi uchun $y = x \operatorname{tg} \alpha + b$ bo'ladi. $\operatorname{tg} \alpha$ to'g'ri chiziqning **burchak koeffitsiyenti** deyiladi va $\operatorname{tg} \alpha = k$ bilan belgilaymiz. Shunday qilib,

$$y = kx + b \quad (2)$$

munosabat kelib chiqadi. Bunga to'g'ri chiziqning **burchak koeffitsiyentli tenglamasi** дейилади. $b = 0$ bo'lsa, to'g'ri chiziq koordinatlar boshidan o'tib, tenglamasi $y = kx$ bo'ladi. $k = 1$ bo'lsa, $y = x$ bo'lib, bu birinchi koordinatlar burchagining bissektrisasi bo'ladi.

1-misol. OX o'qi bilan 120° burchak hosil qiluvchi va OY o'qini $A(0; 3)$ nuqtada kesib o'tuvchi to'g'ri chiziqni yasang va uning tenglamasini yozing.

Yechish. Shartga ko'ra, to'g'ri chiziq OY o'qini $A(0; 3)$ nuqtada kesib o'tadi, demak $b = 3$. Bu nuqtadan OX o'qiga parallel chiziq o'tkazamiz, hamda shu to'g'ri chiziq bilan 120° burchak hosil qiluvchi tomon, yasalishi kerak bo'lgan to'g'ri chiziq bo'ladi.

Endi shu to'g'ri chiziq tenglamasini yozamiz. Bu holda $k = \operatorname{tg} 120^\circ = -\sqrt{3}$, $b = 3$ bo'lganligi uchun, $y = -\sqrt{3}x + 3$ to'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyentli tenglamasi bo'ladi.

2) Berilgan bitta nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar dastasining tenglamasi. Berilgan ikki nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi. $A(x_1, y_1)$, $B(x_2, y_2)$ nuqtalar berilgan bo'lsin.

$$y = kx + b \quad (3)$$

to'g'ri chiziq A nuqtadan o'tsin. Bu holda A nuqtaning koordinatlari to'g'ri chiziq tenglamasini qanoatlantiradi, ya'ni $y_1 = kx_1 + b$ bo'ladi. (3) tenglikdan oxirgi tenglikni ayirsak:

$$y - y_1 = k(x - x_1) \quad (4)$$

hosil bo'ladi. (4) tenglamaga berilgan **bitta nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar dastasining tenglamasi** deyiladi.

To'g'ri chiziq $B(x_2, y_2)$ ikkinchi nuqtadan ham o'tsa,

$$y_2 - y_1 = k(x_2 - x_1)$$

bo'lib,

$$k = \frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1}$$

bo'ladi. ning yuqoridagi qiymatini (4)ga qo'yib,

$$\frac{y - y_1}{y_2 - y_1} = \frac{x - x_1}{x_2 - x_1} \quad (5)$$

тенгламани ҳосил қиламиз. (5) **берилган икки** $A(x_1, y_1)$ ва $B(x_2, y_2)$ нукталардан **ўтувчи тўғри чизик тенгламаси** дейилади.

2-мисол. Бирор хил маҳсулотдан 100 донасини ишлаб чиқаришга 300 минг сўм харажат қилинсин. 500 донаси учун эса харажат 1300 минг сўм бўлсин. Харажат функцияси чизикли (тўғри чизик) бўлса, шу маҳсулотдан 400 дона ишлаб чиқариш харажати топинг.

Ечиш. Масала шarti бўйича $A(100, 300)$ ва $B = (500, 1300)$ нукталар берилган. Берилган икки нуктадан ўтувчи тўғри чизик тенгламасига асосан,

$$\frac{y - 300}{1300 - 300} = \frac{x - 100}{500 - 100}, \text{ ёки } y = 2,5x + 50$$

тенглик ўринли бўлади. Охириги тенгламадан $x = 400$ учун, $y = 1050$ эканлигини топамиз. Демак, маҳсулотдан 400 дона ишлаб чиқариш учун 1050 минг сўм харажат қилинади.

3). Тўғри чизикнинг умумий тенгламаси ва унинг хусусий ҳоллари. Икки номаълумли

$$Ax + By + C = 0$$

тенгламани қараймиз.

Бундан, $Bu = -Ax - C$, $y = -\frac{A}{B}x - \frac{C}{B}$ бўлиб, $k = -\frac{A}{B}$, $b = -\frac{C}{B}$ билан

белгиласак, $y = kx + b$ тенглама ҳосил бўлади. Шундай қилиб, $Ax + Bu + C = 0$ тенглама ҳам тўғри чизик тенгламаси эканлиги келиб чиқади.

$$Ax + Bu + C = 0 \quad (6)$$

тенгламага тўғри чизикнинг **умумий тенгламаси** дейилади.

Тўғри чизик умумий тенгламасининг хусусий ҳоллари: 1) $A \neq 0$, $B \neq 0$, $C = 0$ бўлса, $Ax + Bu = 0$ бўлиб, тўғри чизик координатлар бошидан ўтади, чунки $O(0;0)$ нуқтанинг координатлари тенгламани қаноатлантиради;

2) $A = 0$, $B \neq 0$, $C \neq 0$ бўлса, $y = -\frac{C}{B}$ бўлиб, OY ўқдан $-\frac{C}{B}$ кесма

ажратиб, OX ўқиға параллел тўғри чизик тенгламаси бўлади;

3) $B = 0$, $A \neq 0$, $C \neq 0$ бўлса, $x = -\frac{C}{A}$ бўлиб, OX ўқдан $-\frac{C}{A}$

кесма ажратиб, OY ўқиға параллел тўғри чизик тенгламаси бўлади;

4) $A = 0$, $C = 0$, $B \neq 0$ бўлса, $y = 0$ бўлиб, OX ўқининг тенгламаси ҳосил бўлади;

5) $B = 0$, $C = 0$, $A \neq 0$ бўлса, $x = 0$ бўлиб, OY ўқининг тенгламаси ҳосил бўлади;

6) $A = 0$, $B = 0$, $C \neq 0$ бўлса, $C = 0$ бўлиб, ўзгармас миқдор, бир пайтда 0 дан фарқли ҳамда 0 га тенг келиб чиқади, бундай бўлиши мумкин эмас.

3-мисол. $x - 2y + 6 = 0$ тўғри чизик учун k ва b параметрларни топинг.

Ечиш: Бунинг учун берилган тенгламани y га нисбатан ечамиз:
 $2y = x + 6$, $y = 1/2 \cdot x + 3$ бундан (2) тенглама билан таққослаб $k = 1/2$, $b = 3$, эканлигини топамиз. Шундай қилиб, тўғри чизик умумий тенгламасини бурчак коэффициентли тенгламага келтириб k ва b параметрларни топдик.

4). Тўғри чизикнинг кесмаларга нисбатан тенгламаси. Тўғри чизик координат ўқларидан мос равишда a ва b кесмалар ажратиб ўтсин(7-чизма). Тўғри чизик $A(a; 0)$ ва $B(0; b)$ нуқталардан ўтади. Берилган икки нуқтадан ўтувчи тўғри чизик тенгламасига асосан

$$\frac{y-0}{b-0} = \frac{x-a}{0-a}, \quad \frac{y}{b} = \frac{x-a}{-a}, \quad \frac{y}{b} = -\frac{x}{a} + 1$$

ёки
$$\frac{x}{a} + \frac{y}{b} = 1 \quad (7)$$



тенглама ҳосил бўлади. Бу тенгламага тўғри чизикнинг **кесмаларга нисбатан тенгламаси** дейилади.

4-мисол. $3x + 5y - 15 = 0$ тўғри чизикнинг кесмаларга нисбатан тенгламасини ёзинг ва уни ясанг.

Ечиш. $3x + 5y - 15 = 0$ тўғри чизикнинг умумий тенгламасини (7) кўринишдаги тенгламага келтираемиз.

$$3x + 5y = 15, \quad \frac{3x}{15} + \frac{5y}{15} = 1 \quad \text{ёки} \quad \frac{x}{5} + \frac{y}{3} = 1$$

бу тўғри чизикнинг кесмаларга нисбатан тенгламаси бўлади. Энди координат ўқларидан мос равишда 5 ва 3 кесмаларни ажратиб, ажратилган кесмалар охиридан ясаилиши керак бўлган тўғри чизикни ўтказамиз.



5). Тўғри чизикнинг нормал тенгламаси. Тўғри чизикқа координат бошидан туширилган перпендикулярнинг (нормал) узунлиги ва унинг OX ўқи мусбат йўналиши билан ҳосил қилган бурчаги α берилганда тўғри чизикнинг текисликдаги ҳолати аниқ бўлади (8-чизма) ва унинг тенгламаси

$$x \cos \alpha + y \sin \alpha - p = 0 \quad (8)$$

бўлади. (8) тенгламага тўғри чизикнинг **нормал тенгламаси** дейилади. Маълумки, $\sin^2 \alpha + \cos^2 \alpha = 1$. Нормал тенгламада шу шарт бажарилиши керак. Тўғри чизик умумий тенгламасини нормал тенглама келтириш учун

$$M = \frac{1}{\pm \sqrt{A^2 + B^2}}$$

нормалловчи кўпайтувчини ҳисоблаб, уни

$$Ax + By + C = 0$$

тенгламага кўпайтирамиз. Бу ҳолда

$$\frac{A}{\pm \sqrt{A^2 + B^2}} x + \frac{B}{\pm \sqrt{A^2 + B^2}} y + \frac{C}{\pm \sqrt{A^2 + B^2}} = 0$$

нормал тенглама ҳосил бўлади. Нормалловчи кўпайтувчининг ишораси озод ҳад ишорасига тескари олинади.

5-мисол. Нормалнинг узунлиги $p = 3$ ва унинг OX ўқи билан ҳосил қилган бурчаги 30° бўлса, тўғри чизикни ясанг ва унинг тенгламасини ёзинг.

Ечиш. Шартга кўра нормал OX ўқи билан 30° ли бурчак ташкил этади. Бу бурчакни ясаймиз ва унинг кўзгалувчи томони нормал тўғри чизик бўлади. Шу тўғри чизикда $p = 3$ кесма ажратиб унинг охиридан унга перпендикуляр тўғри чизик ўтказамиз. Бу ясаилиши керак бўлган тўғри чизик бўлади. Энди тўғри чизикнинг тенгламасини ёзамиз. Шартга кўра нормалнинг узунлиги ва унинг OX ўқи билан ҳосил қилган бурчаги берилган, бу ҳолда маълумки, тўғри чизикнинг (8) нормал тенгламасини ёзамиз. $p = 3$, $\alpha = 30^\circ$ бўлганлиги

$$\text{учун } x \cos 30^\circ + y \sin 30^\circ - 3 = 0 \quad \text{ёки} \quad \sqrt{3}/2 \cdot x + 1/2 \cdot y - 3 = 0$$

Натижада $\sqrt{3}x + y - 6 = 0$ тенглама ҳосил бўлади.

6-мисол.. $4x - 3y - 5 = 0$ тўғри чизик тенгламасини нормал тенгламага келтиринг.

Ечиш. Нормалловчи кўпайтувчини топамиз: $M = \frac{1}{\sqrt{4^2 + 3^2}} = \frac{1}{5}$ бўлади.

Берилган тенгламани $M = 1/5$ кўпайтириб, $4/5 \cdot x - 3/5 \cdot y - 1 = 0$ тенгламани ҳосил қиламиз. Бу тўғри чизикнинг нормал тенгламаси, чунки

$$\left(\frac{4}{5}\right)^2 + \left(-\frac{3}{5}\right)^2 = \frac{16}{25} + \frac{9}{25} = \frac{25}{25} = 1, \quad (\sin^2 \alpha + \cos^2 \alpha = 1) \text{ эди.}$$

Takrorlash uchun savollar

1. Ikki to'g'ri chiziq orasidagi burchak qanday topiladi?
2. Ikki to'g'ri chiziqning perpendikulyarlik sharti nima?
3. Ikki to'g'ri chiziqning parallellik sharti qanday bo'ladi?
4. Ikkita to'g'ri chiziqning kesishish nuqtasi qanday topiladi?
5. Nuqtadan to'g'ri chiziqqacha bo'lgan masofa qanday formuladan foydalanib topiladi?
6. Ikkita parallel to'g'ri chiziqlar orasidagi masofani topish qanday bajariladi?
7. Chiziqning tenglamasi deganda nima tushuniladi?
8. To'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyentli tenglamasi qanday yoziladi?
9. To'g'ri chiziqning burchak koeffitsiyenti deb nimaga aytiladi?
10. Berilgan bitta nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar dastasining tenglamasi qanday?
11. Berilgan ikki nuqtadan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi qanday?
12. To'g'ri chiziqning umumiy tenglamasi va uning xususiy xollari nimalardan iborat?
13. To'g'ri chiziqning koordinat o'qlaridan ajratgan kesmalariga nisbatan tenglamasi qanday yoziladi?

Мустақил ечиш учун мисоллар

1. $y = 1/2 \cdot x + 4$ тўғри чизик берилган. Унинг координат ўқлари билан кесишиш нуқталарини топинг.
2. Бошланғич ординатаси $b = -3$ бўлган ва $y = 2x + 3$ тўғри чизикқа параллел бўлган тўғри чизикни ясанг ва тенгламасини ёзинг.
3. $y = \sqrt{3}x - 2$ ва $y = \frac{1}{\sqrt{3}}x + 3$ тўғри чизиклар берилган. Уларнинг абсцисса ўқи билан ташкил қиладиган бурчакларини топинг.
4. $y = -2/5 \cdot x + 3$; $y = 3/7 \cdot x + 2/7$ тўғри чизиклар орасидаги бурчакни топинг.
5. $6x + 8y + 5 = 0$; $2x - 4y - 3 = 0$ тўғри чизиклар орасидаги бурчакни топинг.
6. 1) $3x - 15y + 16 = 0$, 2) $3x + 15y - 8 = 0$, 3) $6x - 30y + 13 = 0$,
4) $30x + 6y + 7 = 0$
тўғри чизиклардан қайсилари перпендикуляр ва қайсилари параллел.
7. Қуйидаги тўғри чизиклар орасидаги бурчакларни топинг:
1) $y = 2/3 \cdot x - 7$; 2) $2x - 4y + 9 = 0$
 $y = 5x + 9$; 2) $6x - 2y - 3 = 0$
3) $y = 3/7 \cdot x - 2$ 4) $x/4 - y/5 = 1$
3) $7x + 3y + 5 = 0$ 4) $x/2 + y/18 = 1$

8. Томонлари $4x - 3y + 5 = 0$, $3x + 4y + 4 = 0$, $x - 7y + 18 = 0$ тўғри чизикларда ётган учбурчакнинг ички бурчакларини топинг.
9. $A(4; 5)$ нуқтадан ўтувчи тўғри чизиклар дастасининг тенглама-сини ёзинг ва улардан $2x - 3y + 6 = 0$ тўғри чизикқа перпендикуляр ва параллел бўлганларини ажратинг.
10. Учбурчак томонлари $7x - 6y + 9 = 0$; $5x + 2y - 25 = 0$; $3x + 10y + 29 = 0$ тенгламалар билан берилган. Унинг учларини ва баландликларининг тенгламаларини топинг.
11. Учлари $P(-4; 0)$, $Q(0; 4)$ ва $R(2; 2)$ нуқталарда бўлган учбурчак медианаларининг тенгламаларини топинг.
12. Тўғри чизикнинг координатлар бошидан узоқлиги 3, унга координатлар бошидан туширилган перпендикуляр OX ўқи билан $\alpha = 45^\circ$ бурчак ҳосил қилса, тўғри чизик тенгламасини ёзинг.
13. $x - y + 3 = 0$ тўғри чизикқа координатлар бошидан туширилган перпендикулярнинг узунлигини ва унинг OX ўқи билан ташкил қилган бурчагини топинг.
14. Учлари $P(0; 5)$, $Q(-3; 1)$ ва $R(-1; -2)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг R нуқтасидан ўтказилган баландлигининг узунлигини топинг.
15. $5x - 12y - 26 = 0$, $5x - 12y - 65 = 0$ параллел тўғри чизиклар орасидаги масофани топинг.
16. Трапеция асосларининг тенгламалари $3x - 4y - 15 = 0$, $3x - 4y - 35 = 0$ берилган. Трапециянинг баландлигини топинг.
17. Учлари $A(-2; 0)$, $B(2; 4)$ ва $C(4; 0)$ нуқталарда бўлган учбурчак томонларининг, AE медианасининг, AD баландлигининг тенгламаларини ҳамда AE медиананинг узунлигини топинг.

7-8-MA'RUZA. CHIZIQLI TENGLAMALAR SISTEMALARI. IKKINCHI VA UCHINCHI TARTIBLI DETERMINANTLAR, ULARNING XOSSALARI. KRAMER FORMULALARI.

Dars rejasi

1. Chiziqli tenglamalar sistemalari haqida tushuncha.
2. Ikkinchi va uchinchi tartibli determinantlar.
3. Determinantning asosiy xossalari.
4. Determinantning satri bo'yicha yoyilmasi.
5. Chiziqli tenglamalar sistemasini yechishning Gauss usuli.
6. Chiziqli tenglamalar sistemasini yechishning Kramer usuli.

Tayanch so'zlar: Chiziqli tenglamalar sistemasii, bir jinsli chiziqli tenglamalar sistemasi, ChTSni yechishning Gauss usuli, ChTSni yechishning Kramer usuli, matritsa

Ikkinchi va uchinchi tartibli determinantlar

2x2- matrisaning determinanti quyidagicha hisoblanadi³

³ Fanchi J.R. - Math refreshser for scientists and engineers, 2006. 76 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

$$\det \begin{bmatrix} a_{11} & a_{12} \\ a_{21} & a_{22} \end{bmatrix} = a_{11}a_{22} - a_{21}a_{12}$$

1- misol. $\begin{vmatrix} 5 & 3 \\ -2 & 6 \end{vmatrix} = 5 \cdot 6 - 3 \cdot (-2) = 30 + 6 = 36.$

Shuningdek, 3x3- matrisaning determinanti quyidagicha hisoblanadi⁴

$$\det \begin{bmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{bmatrix} = [a_{11}a_{22}a_{33} + a_{12}a_{23}a_{31} + a_{13}a_{21}a_{32} - a_{31}a_{22}a_{13} - a_{32}a_{23}a_{11} - a_{33}a_{21}a_{12}]$$

Uchinchi tartibli kvadrat matritsa determinanti $D = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix}$ ni hisoblash uchun

uchinchi darajali o'rniga qo'yishlar yordamida ko'paytmalar tuzamiz. Unga qo'yishning ishorasi u yordamida hosil qilingan ko'paytmani qo'shish yoki ayirish kerakligini aniqlab beradi. Bundan quyidagi ifodani hosil qilamiz.

$$D = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix} = a_{11}a_{22}a_{33} + a_{12}a_{23}a_{31} + a_{13}a_{21}a_{32} - a_{13}a_{22}a_{31} - a_{11}a_{23}a_{32} - a_{12}a_{21}a_{33}.$$

2-ta'rif. n -tartibli kvadrat matritsa

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix} \text{ ning}$$

determinanti deb $|A| = \sum_{\tau \in S_n} \text{sgn}(\tau) a_{1\tau(1)} \cdot \dots \cdot a_{n\tau(n)}$ ($n!$ qo'shiluvchilardan iborat) yig'indiga aytiladi.

Determinantning xossalari.

1-teorema. Nol satr yoki ustunga ega kvadrat matritsaning determinanti nolga teng.

2-teorema. Diagonal matritsaning determinanti asosiy diagonal elementlari ko'paytmasiga teng.

3-teorema. Uchburchak matritsaning determinanti asosiy diagonal elementlari ko'paytmasiga teng.

4-teorema. Kvadrat matritsa va unga transponirlangan matritsalar determinantlari teng.

5-teorema. Kvadrat matritsaning ikkita satr (ustun)lari o'rnini almashtirish natijasida determinant ishorasi o'zgaradi.

⁴ Fanchi J.R. - Math refreshser for scientists and engineers, 2006. 76 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

6-teorema. Ikkita bir xil satr (ustun)ga ega kvadrat matritsa determinanti nolga teng.

7-teorema. A kvadrat matritsaning biror bir satr (ustun) elementlarini noldan farqli λ skalyarga ko'paytirilsa, u holda A matritsaning determinanti λ skalyarga ko'paytiriladi.

8-teorema. Qandaydir ikkita satr (ustun)lari proporsional bo'lgan kvadrat matritsaning determinanti nolga teng.

9-teorema. Kvadrat matritsa i - qatori (ustuni)ning har bir elementi m ta qo'shiluvchilardan iborat bo'lsa, bunday kvadrat matritsaning determinanti m ta determinantlar yig'indisidan iborat bo'lib, birinchi determinant i - qatori (ustuni)da birinchi, ikkinchi determinantda ikkinchi qo'shiluvchilar va h.z. boshqa qatorlar A matritsanikidek bo'ladi.

$$\begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} + a & a_{22} + b & a_{23} + c \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix} + \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a & b & c \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix}$$

10-teorema. Kvadrat matritsaning biror-bir satr (ustun)iga noldan farqli skalyarga ko'paytirilgan boshqa satr (ustun)ni qo'shish natijasida determinant o'zgarmaydi.

11-teorema. Kvadrat matritsaning biror-bir satr (ustun)iga qolgan satr (ustun)lar chiziqli kombinatsiyasini qo'shish natijasida determinant o'zgarmaydi.

12-teorema. Kvadrat matritsaning biror-bir satri (ustuni) qolganlarining chiziqli kombinatsiyasidan iborat bo'lsa, uning determinanti nolga teng.

13-teorema. Har qanday elementar matritsaning determinanti noldan farqli.

14-teorema. Kvadrat matritsalar ko'paytmasining determinanti berilgan matritsalar determinantlari ko'paytmasiga teng.⁵

Deteminantning nolga teng bo'lish sharti.

15-teorema. Kvadrat matritsaning determinanti nolga teng bo'lishi uchun uning satr (ustun)lari chiziqli bog'langan bo'lishi zarur va yetarli.

Isbot. 1. Matritsaning satrlari chiziqli erkli bo'lsa, $|A| \neq 0$ ekanligini isbotlaymiz.

Agar berilgan kvadrat matritsaning satrlari chiziqli erkli bo'lsa, u holda uni elementar matritsalar ko'paytmasi ko'rinishida ifodalash mumkin, ya'ni $A = E_1 \cdot E_2 \cdot \dots \cdot E_k$. U holda determinant xossalriga ko'ra

$$|A| = |E_1| \cdot |E_2| \cdot \dots \cdot |E_k| \text{ va } |E_i| \neq 0 (i = \{1, \dots, k\}). \text{ Bundan } |A| \neq 0.$$

To'g'ri teorema bilan teskari teoremaga qarama-qarshi teoremlar teng kuchli bo'lganligidan, $|A| = 0$ ekanligidan A matritsa chiziqli erkliligi kelib chiqadi.

2. A matritsaning satrlari chiziqli bog'liq bo'lsa, $|A| = 0$ ekanligini isbotlaymiz.

Satrlari chiziqli bog'liq matritsaning kamida bitta satri qolganlari orqali chiziqli ifodalanadi. Determinantlar xossalriga ko'ra $|A| = 0$.

$$\text{1-misol. } \begin{vmatrix} 1 & 2 & 3 \\ -1 & 0 & 4 \\ 2 & 4 & 6 \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 0 & 2 & 7 \\ 0 & 0 & 0 \end{vmatrix} = 0.$$

16-teorema. Har qanday kvadrat matritsa uchun quyidagi shartlar teng kuchli:

1. $|A| \neq 0$.
2. Matritsaning satr (ustun)lari chiziqli erkli.
3. A matritsa teskarilanuvchi.

⁵ J.H. Heinbockel January 2016, Introduction to Calculus Volume II, 326 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

4. A matritsa elementar matritsalar yordamida ifodalanadi.

17-teorema. A matritsaning rangi uning noldan farqli minorlarining eng yuqori tartibiga teng.

Isboti. Noldan farqli $A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{m1} & a_{m2} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix}$ matritsa berilgan

bo'lsin. U holda uning rangi $r = r(A) > 0$. Matritsaning kamida bitta noldan farqli r tartibli minori mavjudligini isbotlaymiz.

$r = r(A) > 0$ bo'lganligi uchun, A matritsaning r ta chiziqli erkli satrlari bor. Shu satrlardan

tuzilgan A matritsaning $B \in F^{r \times n}$ matritsaostisini tuzamiz $B = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{r1} & a_{r2} & \dots & a_{rn} \end{pmatrix}$, bu

matritsaning rangi $r(B) = r$. Matritsaning satr va ustun ranglari tengligidan $\rho(B) = r$. Demak, B matritsaning r ta chiziqli erkli ustunlari mavjud. B matritsaning r ta chiziqli erkli ustunlaridan tashkil topgan matritsaostisini C bilan belgilaymiz. U holda $C \in F^{r \times r}$ va $r(C) = r$. Yuqoridagi 18.2-teorema shartlariga ko'ra, C matritsaning ustunlari chiziqli erkli bo'lganligi uchun $|C| \neq 0$.

Demak, C matritsa A matritsaning tartibi r ga teng bo'lgan noldan farqli minori bo'ladi.

Agar $k > r(A)$ bo'lsa, A matritsaning k tartibli har qanday minori nolga teng bo'ladi.

Haqiqatdan ham, $k > r(A)$ bo'lsa, A matritsaning har qanday k ta satri chiziqli bog'langan bo'ladi. Bundan A matritsaning har qanday $(k \times k)$ tartibli qismmatritsasida satrlari chiziqli bog'langan bo'ladi va 18.1-teoremaga ko'ra bunday qismmatritsalar determinanti, ya'ni A matritsaning k tartibli har qanday minori nolga teng.

2-misol. $A = \begin{pmatrix} 1 & -1 & 0 & 2 \\ 2 & 1 & 1 & -2 \\ -1 & 0 & 1 & 3 \\ 2 & -2 & 0 & 4 \end{pmatrix}$ matritsa rangini minorlar yordamida aniqlang.

Yechish. Matritsa rangi haqidagi teoremaga ko'ra matritsaning noldan farqli minorlarini aniqlaymiz.

Matritsaning berilishidan, unda kamida bitta noldan farqli birinchi tartibli minor mavjud, masalan, $A_1 = (1)$ matritsaostining determinanti 1 ga teng, ya'ni $M_1 = |1| = 1 \neq 0$.

Matritsaning $A_2 = \begin{pmatrix} 1 & -1 \\ 2 & 1 \end{pmatrix}$ matritsaostining determinanti

$$M_2 = \begin{vmatrix} 1 & -1 \\ 2 & 1 \end{vmatrix} = 1 - (-2) = 3 \neq 0.$$

Matritsaning $A_3 = \begin{pmatrix} 1 & -1 & 0 \\ 2 & 1 & 1 \\ -1 & 0 & 1 \end{pmatrix}$ matritsaostining determinanti

$$M_3 = \begin{vmatrix} 1 & -1 & 0 \\ 2 & 1 & 1 \\ -1 & 0 & 1 \end{vmatrix} = 1 + 0 + 1 - 0 - 0 - (-2) = 4 \neq 0.$$

Matritsaning 4-tartibli minori berilgan matritsaning determinantidan iborat, uni hisoblaymiz:

$$|A| = \begin{vmatrix} 1 & -1 & 0 & 2 \\ 2 & 1 & 1 & -2 \\ -1 & 0 & 1 & 3 \\ 2 & -2 & 0 & 4 \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 1 & -1 & 0 & 2 \\ 0 & 3 & 1 & -6 \\ 0 & -1 & 1 & 5 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \end{vmatrix} = 0.$$

Demak, berilgan matritsaning noldan farqli minorlari 1-tartibli, 2-tartibli va 3-tartibli. Ulardan yuqori tartibligi 3-tartibli minor bo'lganligi uchun, berilgan matritsaning rangi 3 ga teng.

$$F = \langle F; +, \cdot, -, ^{-1}, 0, 1 \rangle$$
 maydon va maydon ustida

[illegible]

[illegible]

bir jinsli chiziqli tenglamalar sistemasi BJChTS berilgan bo'lsin.

Yuqorida ta’kidlanganidek, (1^1) sistemaning yechimlari to’plami F^n arifmetik vektor fazoning biror W qism fazosini tashkil etadi.

1-ta'rif. F^n arifmetik vektor fazoning W qism fazosining bazisini tashkil etuvchi istalgan vektorlar sistemasi (5.1¹) sistemaning fundamental (asosiy) yechimlari sistemasi deyiladi.

Bazis vektorlar sistemasining ta'rifiga asosan $\vec{a}_1, \vec{a}_2, \dots, \vec{a}_r$ sistema (1^1) ning fundamental yechimlari sistemasi bo'lishi uchun quyidagi ikkita shart bajarilishi lozim:

1. $\vec{a}_1, \vec{a}_2, \dots, \vec{a}_r$ sistema chiziqli bog'lanmagan sistema bo'ladi;
2. (1) sistemaning ixtiyoriy yechimi $\vec{a}_1, \vec{a}_2, \dots, \vec{a}_r$ sistema vektorlari orqali chiziqli ifodalanadi.

(1) sistemaning umumiy yechimi ushbu

$$a = k_1 a_1 + k_2 a_2 + \dots + k_r a_r \quad (k_i \in F, i = \overline{1, r})$$

ko'rinishda ifodalanadi. Endi (1) yechimlarining fundamental sistemasini topaylik. Buning uchun (1) da bir necha marta elementar almashtirishlar bajargandan so'ng o'ziga ekvivalent bo'lgan ushbu

[illegible]

Teorema. Agar $|A| \neq 0$ bo'lsa, u holda CHTS yagona yechimga ega va u quyidagi formulalar orqali ifodalanadi:

$$x_1 = \frac{|A(1)|}{|A|}, \dots, x_n = \frac{|A(n)|}{|A|} \quad (5.3).$$

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + a_{13}x_3 = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + a_{23}x_3 = b_2 \\ a_{31}x_1 + a_{32}x_2 + a_{33}x_3 = b_3 \end{cases} \quad \text{chiziqli tenglamalar sistemasining yechimini Kramer}$$

formulari yordamida topish uchun sistemaning asosiy matritsasi va $A(1)$, $A(2)$, $A(3)$ matritsalarini tuzib, ularning determinantlarini hisoblaymiz:

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{pmatrix};$$

$$\Delta = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix} = a_{11}a_{22}a_{33} + a_{12}a_{23}a_{31} + a_{13}a_{21}a_{32} - a_{13}a_{22}a_{31} -$$

$$- a_{11}a_{23}a_{32} - a_{12}a_{21}a_{33}.$$

$$\Delta_1 = |A(1)| = \begin{vmatrix} b_1 & a_{12} & a_{13} \\ b_2 & a_{22} & a_{23} \\ b_3 & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix}; \quad \Delta_2 = |A(2)| = \begin{vmatrix} a_{11} & b_1 & a_{13} \\ a_{21} & b_2 & a_{23} \\ a_{31} & b_3 & a_{33} \end{vmatrix};$$

$$\Delta_3 = |A(3)| = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & b_1 \\ a_{21} & a_{22} & b_2 \\ a_{31} & a_{32} & b_3 \end{vmatrix};$$

$$\text{U holda } x_1 = \frac{\Delta_1}{\Delta}, x_2 = \frac{\Delta_2}{\Delta}, x_3 = \frac{\Delta_3}{\Delta}.$$

Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:

- 1.1. Ikkinchi va uchinchi tartibli determinantlarni hisoblash formulalarini yozing.
- 2.2. Determinantning qanday hossalari bor?
- 3.3. Determinantning satri bo'yicha yoyish qanday amalga oshiriladi?
4. Minor nima?
- 5.1. Chiziqli tenglamalar sistemasini turlarini ayting.
6. Chiziqli tenglamalar sistemasini yechishning Gauss usuli qanday?
7. Chiziqli tenglamalar sistemasini yechishning Kramer usuli qanday?

10-11- mavzu. FUNKSIYA LIMITI, LIMITLAR HAQIDAGI TEOREMLAR

Режа

1. Ўзгармас ва ўзгарувчи миқдорлар.
2. Функция тушунчаси.
3. Функциянинг берилиш усуллари.
4. Функциянинг айрим ҳоллари

5. Функциянинг лимит ива унинг асосий хоссалари.

6. Аниқмасликлар ва уларни очиш.

Таянч иборалар ва тушунчалар

Ўзгармас ва ўзгарувчи миқдорлар, функция тушунчаси, функция аниқланиш соҳаси, қийматлар тўплами, аналитик усул, график усул, жадвал усул, ошкор ва ошкормас функциялар, функциянинг алгоритмик берилиши, мураккаб функция, тескари функция, функция лимити ва унинг хоссалари, кетма-кетлик, чексиз катта миқдор, чап ва ўнг лимитлар, чексиз кичик функция, кўпайтманинг ва бўлинманинг лимити, биринчи ажойиб лимит, аниқмасликларни очиш,

1. Ўзгармас ва ўзгарувчи миқдорлар. Қаралаётган жараёнда бир хил сон қийматларини қабул қиладиган миқдорларга ўзгармас миқдорлар дейилади. Масалан, қандай радиусли айлана олмайлик, унинг узунлигининг деаметрига нисбати бир хил π сондан иборат бўлади. Бу ҳолда нисбат ўзгармас миқдордир.

Қаралаётган жараёнда ҳар хил сон қийматлари қабул қиладиган миқдорларга ўзгарувчи миқдорлар дейилади. Масалан, ҳаво ҳарорати (температураси), вақт, ҳаракатнинг тезлиги ўзгарувчи миқдорлардир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамма ўзгарувчи миқдорларни бирданига ўрганиб бўлмайди. Энди иккита ўзгарувчи миқдорлар орасидаги боғланишни қараймиз.

2. Функция тушунчаси. *Функция тушунчаси* математиканинг энг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида табиат ва жамиятдаги кўп жараён ва ҳодисалар моделлаштирилади.

Математик таҳлилда элементлари ҳақиқий сонлардан иборат, бўлган тўпламларни қараймиз. X ва Y лар ҳақиқий сонлар тўплами бўлсин. $x \in X$ тўпланда, $y \in Y$ тўпланда ўзгарсин.

Таъриф. $x \in X$ ҳар бир X га бирор қоида ёки қонун бўйича $y \in Y$ дан битта y мос қўйилса, X тўпланда функция берилган (аниқланган) деб аталади ва у

$$y = f(x)$$

символ билан белгиланади. Айрим ҳолларда $y = xf$ ҳам деб белгиланадики, бунда компьютерда олдин X қиймати олиниб, кейин ҳисобланадиган символ олинади. Бунда X тўпламга функциянинг аниқланиш соҳаси, Y тўпламга ўзгариш соҳаси ёки қийматлар тўплами дейилади. Одатда функция аниқланиш соҳасини D , қийматлар тўпламини E билан белгиланади.

Шундай қилиб, ҳар бир элемент $x \in X$ га битта ва фақат битта $y \in Y$ мослик ўрнатилган бўлса, бу мосликка X тўпланда функция аниқланган дейилади. X га эркин ўзгарувчи ёки аргумент, y га эса эркин ўзгарувчи ёки X нинг функцияси дейилади.

Agar $F_1(x)$ va $F_2(x)$ funksiyalar $f(x)$ funksiyadan $[a,b]$ kesmada boshlang'ich funksiyalari bo'lsa, ular orasida ayirma o'zgarmas songa teng bo'ladi. Agar berilgan $f(x)$ funksiya uchun qanday bo'lmasin birgina $F(x)$ boshlang'ich funksiya topilgan bo'lsa, $F(x)$ funksiya uchun har qanday boshlang'ich funksiya $F(x)+C$ ko'rinishga ega bo'ladi.

2. Aniqmas integral va uning xossalari.

Ta'rif. Agar $F(x)$ funksiya biror oraliqda $f(x)$ funksiyaning boshlang'ich funksiyasi bo'lsa, u holda $F(x)+C$ (bu yerda C – ixtiyoriy doimiy) funksiyalar to'plami shu kesmada $f(x)$ funksiyaning aniqmas integrali deyiladi va $\int f(x)dx = F(x) + C$ kabi belgilanadi.

Bu yerda $f(x)$ – integral ostidagi funksiya, $f(x)dx$ integral ostidagi ifoda,

$\int$ – integral belgisi deyiladi.

Aniqmas integralni topish jarayoni yoki berilgan funksiyaning boshlang'ich funksiyasini topish jarayoni **integrallash** deyiladi.

1-misol: $\int \cos x dx = \sin x + C$, chunki $(\sin x)' = \cos x$

Aniqmas integralning xossalari:

1) Aniqmas integralning hosilasi integral ostidagi funksiyaga teng, ya'ni

$$\left(\int f(x)dx\right)' = f(x)$$

2) Aniqmas integralning differensial integral belgisi ostidagi ifodaga teng, ya'ni

$$d\left(\int f(x)dx\right) = f(x)dx$$

3) Biror funksiyaning hosilasidan olingan aniqmas integral shu funksiya bilan ixtiyoriy o'zgarmasning yig'indisiga teng, ya'ni

$$\int F'(x)dx = F(x) + C$$

4) Biror funksiyaning differentsialidan olingan aniqmas integral shu funksiya bilan ixtiyoriy o'zgarmasning yig'indisiga teng, ya'ni

$$\int dF(x) = F(x) + C$$

5) If $\int f(x)dx = F(x) + C$, then $\int \alpha f(x)dx = \alpha \int f(x)dx = \alpha[F(x) + C] = \alpha F(x) + K$

for all constants α . Here $k = \alpha C$ is just some new constant of integration. This property is read, “The integral of a constant times a function equals the constant times the integral of the function.”

Agar $\int f(x)dx = F(x) + C$ bo'lsa, u holda barcha o'zgarmas α lar uchun

$$\int \alpha f(x)dx = \alpha \int f(x)dx = \alpha [F(x) + C] = \alpha F(x) + K \text{ bo'ladi. Bu yerda } k = \alpha C -$$

integraldagi yangi o'zgarmas sonidir. Bu xossa quyidagichadir: “funktsiyani o'zgarmas songa ko'paytmasining integrali o'zgarmas sonni shu funktsiya integraliga ko'paytmasiga teng”¹¹.

6) Chekli sondagi funksiyalarning algebralik yig'indisidan olingan aniqmas integral shu funksiyalarning har biridan olingan aniqmas integrallarning algebralik yig'indisiga teng, ya'ni

$$\int (f_1(x) + f_2(x) + f_3(x))dx = \int f_1(x)dx + \int f_2(x)dx + \int f_3(x)dx$$

7) Agar $F(x)$ funktsiya $f(x)$ uchun boshlang'ich funktsiya bo'lsa, ya'ni

$$\int f(x)dx = F(x) + C \text{ bo'lsa u holda } \int f(u)du = F(u) + C$$

tenglik to'g'ri bo'ladi, bu yerda $u = u(x)$ x ning differensiallanuvchi funksiyasi. Bu xossa integrallash formulalarining invariantligi deyiladi.

3. Asosiy integrallash jadvali:

$$1) \int 0 \cdot dx = C$$

$$2) \int 1 \cdot dx = x + C$$

$$3) \int x^\alpha dx = \frac{x^{\alpha+1}}{\alpha+1} + C \quad (\alpha \neq -1)$$

$$4) \int \frac{1}{x} dx = \ln |x| + C$$

$$5) \int \frac{1}{1+x^2} dx = \arctg x + C$$

$$6) \int \frac{1}{\sqrt{1-x^2}} dx = \arcsin x + C$$

$$7) \int a^x dx = \frac{a^x}{\ln a} + C$$

$$8) \int \sin x dx = -\cos x + C$$

$$9) \int \cos x dx = \sin x + C$$

$$10) \int \frac{1}{\cos^2 x} dx = \tg x + C$$

$$11) \int \frac{1}{\sin^2 x} dx = -\ctg x + C$$

The following integrals occur quite often and should be memorized.

If $\frac{d}{dx} x = 1$, then $\int 1 dx = x + C$ or $\int dx = x + C$.

If $\frac{d}{dx} x^2 = 2x$, then $\int 2x dx = x^2 + C$ or $\int d(x^2) = x^2 + C$.

If $\frac{d}{dx} x^3 = 3x^2$, then $\int 3x^2 dx = x^3 + C$ or $\int d(x^3) = x^3 + C$

If $\frac{d}{dx} x^n = nx^{n-1}$, then $\int nx^{n-1} dx = x^n + C$ or $\int d(x^n) = x^n + C$.

If $\frac{d}{dx} \left(\frac{u^{m+1}}{m+1} \right) = u^m$, then $\int u^m du = \frac{u^{m+1}}{m+1} + C$ or $\int d\left(\frac{u^{m+1}}{m+1} \right) = \frac{u^{m+1}}{m+1} + C$.

¹¹ J.H.Heinbockel. Introduction to Calculus Volume 1, 181 226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

If $\frac{d}{dt} \sin t = \cos t$, then $\int \cos t dx = \sin t + C$ or $\int d(\sin t) = \sin t + C$.

If $\frac{d}{dt} \cos t = -\sin t$, then $\int \sin t dx = -\cos t + C$ or $-\int d(\cos t) = -\cos t + C$.

Quyidagi integrallar ko'p qo'llanilgani uchun eslab qolish lozim:

Agar $\frac{d}{dx} x = 1$ bo'lsa, u holda $\int 1 dx = x + C$ yoki $\int dx = x + C$ bo'ladi.

Agar $\frac{d}{dx} x^2 = 2x$ bo'lsa, u holda $\int 2x dx = x^2 + C$ yoki $\int d(x^2) = x^2 + C$ bo'ladi.

Agar $\frac{d}{dx} x^3 = 3x^2$ bo'lsa, u holda $\int 3x^2 dx = x^3 + C$ yoki $\int d(x^3) = x^3 + C$ bo'ladi.

Agar $\frac{d}{dx} x^n = nx^{n-1}$ bo'lsa, u holda $\int nx^{n-1} dx = x^n + C$ yoki $\int d(x^n) = x^n + C$ bo'ladi.

Agar $\frac{d}{dx} \left(\frac{u^{m+1}}{m+1} \right) = u^m$ bo'lsa, u holda $\int u^m du = \frac{u^{m+1}}{m+1} + C$ yoki $\int d\left(\frac{u^{m+1}}{m+1}\right) = \frac{u^{m+1}}{m+1} + C$ bo'ladi.

Agar $\frac{d}{dt} \sin t = \cos t$ bo'lsa, u holda $\int \cos t dx = \sin t + C$ yoki $\int d(\sin t) = \sin t + C$ bo'ladi.¹²

Agar $\frac{d}{dt} \cos t = -\sin t$ bo'lsa, u holda $\int \sin t dx = -\cos t + C$ yoki $-\int d(\cos t) = -\cos t + C$ bo'ladi.

1-misol. $\int 5dx$.

Yechilishi: 1-xossaga asosan o'zgarmas ko'paytuvchi 5 ni integral ishorasi tashqarisiga chiqaramiz va formulani qo'llab quyidagini hosil qilamiz:

$$\int 5dx = 5 \int dx = 5x + C.$$

Tekshirish. $d(5x + C) = 5dx$. Integral ostidagi ifodani hosil qildik, demak, integral to'g'ri olingan.

Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:

1. Boshlang'ich funksiya haqida tushuncha bering.
2. Aniqmas integral ta'rifini ayting.
3. Aniqmas integral xossalari ayting.
4. Asosiy integrallash jadvalini yozing.

15-16-MAVZU. Aniq integral, xossalari. Nyuton – Leybnits formulasi.

REJA:

1. Aniq integralning ta'rifi.
2. Aniq integralning asosiy xossalari.
3. Nyuton-Leybnits formulasi.
4. O'zgaruvchini almashtirish.
5. Aniq integralni bo'laklab integrallash.

Tayanch so'zlar: aniq integral, quyi va yuqori chegara, integral yig'indi.

Aniq integral - matematik analizning eng muhim tushunchalaridan biridir. Egri chiziq bilan chegaralangan yuzalarni, egri chiziqli yoylar uzunliklarini, hajmlarni, bajarilgan ishlarni, yo'llarni, inersiya momentlarini va hokazolarni hisoblash masalasi shu tushuncha bilan bog'liq. $[a, b]$ kesmada $y=f(x)$ uzluksiz funksiya berilgan bo'lsin. Quyidagi amallarni bajaramiz.

1. $[a, b]$ kesmani qo'yidagi nuqtalar bilan ixtiyoriy n ta qismga bo'lamiz, va ularni qisman intervallar deb ataymiz.

¹² J.H.Heinbockel. Introduction to Calculus Volume 1, p.181 226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

$$a=x_0 < x_1 < x_2 < x_3 < \dots < x_{i-1} < x_i < \dots < x_n = b$$

2. Qismaniy intervallarning uzunliklarini bunday belgilaymiz: ¹³

$$\Delta x_1 = x_1 - a \quad \Delta x_2 = x_2 - x_1 \quad \dots \quad \Delta x_i = x_i - x_{i-1} \quad \dots \quad \Delta x_n = b - x_{n-1}$$

σ_n yig'indi $f(x)$ funksiya uchun $[a, b]$ kesmada tuzilgan integral yig'indi deb ataladi. σ_n integral yig'indi qisqacha bunday yoziladi:

$$\sigma_n = \sum_{i=1}^n f(c_i) \Delta x_i.$$

Integral yig'indining geometrik ma'nosi ravshan: Agar $f(x) \geq 0$ bo'lsa, u holda σ_n - asoslari $\Delta x_1, \Delta x_2, \dots, \Delta x_i, \dots, \Delta x_n$ va balandliklari mos ravishda $f(c_1), f(c_2), \dots, f(c_i), \dots, f(c_n)$ bo'lgan to'g'ri to'rtburchak yuzlarining yig'indisidan iborat (1-rasm).

Endi bo'lishlar soni n ni orttira boramiz ($n \rightarrow \infty$) va bunda eng katta intervalning uzunligi nolga intilishini, ya'ni $\max \Delta x_i \rightarrow 0$ deb faraz qilamiz.

Ushbu ta'rifni beramiz.

Ta'rif. Agar σ_n integral yig'indi $[a, b]$ kesmani qismaniy $[x_i, x_{i+1}]$ kesmalarga ajratish usuliga va ularning har biridan c_i nuqtani tanlash usuliga bog'liq bo'lmaydigan chekli songa intilsa, u holda shu son $[a, b]$ kesmada $f(x)$ funksiyadan olingan aniq integral deyiladi va bunday belgilanadi:

$$\int_a^b f(x) dx.$$

Bu yerda $f(x)$ integral ostidagi funksiya. $[a, b]$ kesma integrallash oralig'i, a va b sonlar integrallashning qo'yi va yuqori chegarasi deyiladi.

$$\int_a^b f(x) dx = \lim_{\max \Delta x_i \rightarrow 0} \sum_{i=1}^n f(c_i) \Delta x_i \quad 14$$

Aniq integralning ta'rifidan ko'rinadiki, aniq integral hamma vaqt mavjud bo'lavermas ekan. Biz qo'yida aniq integralning mavjudlik teoremasini isbotsiz keltiramiz.

Teorema. Agar $u=f(x)$ funksiya $[a, b]$ kesmada uzluksiz bo'lsa, u integrallanuvchidir, ya'ni bunday funksiyaning aniq integrali mavjuddir.

Agar yuqoridan $y=f(x) \geq 0$ funksiyaning grafigi, qo'yidan OX o'qi, yon tomonlaridan esa $x=a$, $x=b$ to'g'ri chiziqlar bilan chegaralangan sohani egri chiziqli trapetsiya deb atasak, u holda

$$\int_a^b f(x) dx.$$

Aniq integralning geometrik ma'nosi ravshan bo'lib qoladi: $f(x) \geq 0$ bo'lganda u shu egri chiziqli trapetsiyaning yuziga son jihatdan teng bo'ladi.

1-izoh. Aniq integralning qiymati funksiyaning ko'rinishiga va integrallash chegarasiga bog'liq. Masalan:

$$\int_a^b f(x) dx = \int_a^b f(t) dt = \int_a^b f(z) dz.$$

¹³ Larson Edvards. /Calculus/ 2010. 272 226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

¹⁴ Larson Edvards. /Calculus/ 2010. 273 226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

2-izoh. Aniq integralning chegaralari almashtirilsa, integralning ishorasi o'zgaradi.

$$\int_a^b f(x)dx = -\int_b^a f(x)dx$$

3-izoh. Agar aniq integralning chegaralari teng bo'lsa, har qanday funksiya uchun ushbu tenglik o'rinli bo'ladi:

$$\int_a^b f(x)dx = 0$$

Aniq integralning asosiy xossalari.

1-xossa. O'zgarmas ko'paytuvchini aniq integral belgisidan tashqariga chiqarish mumkin:

$$\int_a^b kf(x)dx = k \int_a^b f(x)dx \quad (17.1)$$

2-xossa. Bir nechta funksiyaning algebraik yig'indisining aniq integrali qo'shiluvchilar integralining yig'indisiga teng (ikki qo'shiluvchi bo'lgan hol bilan chegaralanamiz):

$$\int_a^b [f(x) \pm g(x)]dx = \int_a^b f(x)dx \pm \int_a^b g(x)dx \quad (17.2)$$

3-xossa. Agar $[a, b]$ kesmada ikki $f(x)$ va $g(x)$ funksiya ($a < b$) $f(x) \leq g(x)$ shartni qanoatlantirsa, ushbu tengsizlik o'rinli.

$$\int_a^b f(x)dx \geq \int_a^b g(x)dx. \quad (17.3)$$

4-xossa. Agar $[a, b]$ kesma bir necha qismga bo'linsa, u holda $[a, b]$ kesma bo'yicha aniq integral har bir qism bo'yicha olingan aniq integrallar yig'indisiga teng. $[a, b]$ kesma ikki qismga bo'lingan hol bilan cheklanamiz, ya'ni $a < c < b$ bo'lsa, u holda

$$\int_a^b f(x)dx = \int_a^c f(x)dx + \int_c^b f(x)dx \quad (17.4)$$

5-xossa. Agar m va M sonlar $f(x)$ funksiyaning $[a, b]$ kesmada eng kichik va eng katta qiymati bo'lsa, ushbu tengsizlik o'rinli.

$$m(b-a) \leq \int_a^b f(x)dx \leq M(b-a) \quad (17.5)$$

Isboti Shartga ko'ra $m \leq f(x) \leq M$ ekani kelib chiqadi. 3-xossaga asosan qo'yidagiga ega bo'lamiz:

$$\int_a^b m dx \leq \int_a^b f(x)dx \leq \int_a^b M dx \quad (17.6)$$

Biroq

$$\int_a^b m dx = m \int_a^b dx = m \lim_{\max \Delta x_i \rightarrow 0} \sum_{i=1}^n \Delta x_i = m(b-a)$$

$$\int_a^b M dx = M \int_a^b dx = M \lim_{\max \Delta x_i \rightarrow 0} \sum_{i=1}^n \Delta x_i = M(b-a)$$

bo'lgani uchun (17.6) tengsizlik

$$m(b-a) \leq \int_a^b f(x) dx \leq M(b-a)$$

bo'ladi.

6-xossa (o'rta qiymat haqidagi teorema).

Agar $f(x)$ funksiya $[a, b]$ kesmada uzluksiz bo'lsa, bu kesmaning ichida shunday $x=s$ nuqta topiladiki, bu nuqtada funksiyaning qiymati uning shu kesmadagi o'rtacha qiymatiga teng bo'ladi, ya'ni

$$f(s) = \frac{1}{(b-a)} \int_a^b f(x) dx.$$

Isboti. Faraz qilaylik, m va M sonlar $f(x)$ uzluksiz funksiyaning $[a, b]$ kesmadagi eng kichik va eng katta qiymati bo'lsin. Aniq integralni baholash haqidagi xossaga ko'ra qo'yidagi qo'sh tengsizlik to'g'ri:

$$m(b-a) \leq \int_a^b f(x) dx \leq M(b-a)$$

tengsizlikning hamma qismlarini $b-a>0$ ga bo'lamiz. Natijada

$$m \leq \frac{1}{(b-a)} \int_a^b f(x) dx \leq M$$

ni hosil qilamiz. Ushbu $\mu = \frac{1}{(b-a)} \int_a^b f(x) dx$ belgilashni kiritib, qo'sh tengsizlikni qayta

yozamiz. $m \leq \mu \leq M$

$f(x)$ funksiya $[a, b]$ kesmada uzluksiz bo'lgani uchun u m va M orasidagi hamma oraliq qiymatlarni qabul qiladi.

Demak, biror $x=s$ qiymatda $\mu=f(s)$ bo'ladi, ya'ni

$$f(s) = \frac{1}{(b-a)} \int_a^b f(x) dx. \quad ^{15}$$

Teorema isbotlandi.

Nyuton-Leybnits formulasi.

Aniq integrallarni integral yig'indining limiti sifatida bevosita hisoblash ko'p hollarda juda qiyin, uzoq hisoblashlarni talab qiladi va amalda juda kam qo'llaniladi. Integrallarni topish formulasi Nyuton-Leybnits teoremasi bilan beriladi.

¹⁵ Larson Edvards. /Calculus/ 2010. 276226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

Teorema. Agar $F(x)$ funksiya $f(x)$ funksiyaning $[a, b]$ kesmadagi boshlang'ich funksiyasi bo'lsa, u holda aniq integral boshlang'ich funksiyaning integrallash oralig'idagi orttirmasiga teng, ya'ni

$$\int_a^b f(x)dx = F(b) - F(a) \quad (17.7)$$

(1) tenglik Nyuton-Leybnits formulasi deyiladi.¹⁶

Isboti. $F(x)$ funksiya $f(x)$ funksiyaning biror boshlang'ich funksiyasi bo'lsin, u holda 1-teoremaga ko'ra $\int_a^x f(t)dt$ funksiya ham $f(x)$ funksiyaning boshlang'ich funksiyasi bo'ladi.

Berilgan funksiyaning ikkita istalgan boshlang'ich funksiyalari bir-biridan o'zgarmas C qo'shiluvchiga farq qiladi, ya'ni $F(x)=F(x)+C$.

Shuning uchun:

$$\int_a^x f(t)dt = F(x) + C$$

C -o'zgarmas miqdorni aniqlash uchun bu tenglikda $x=a$ deb olamiz:

$$\int_a^a f(t)dt = F(a) + C, \quad \int_a^a f(t)dt = 0$$

bo'lgani uchun $F(a)+C=0$. Bundan, $S=-F(a)$. Demak, $\int_a^x f(t)dt = F(x) - F(a)$

Endi $x=b$ deb Nyuton-Leybnits formulasini hosil qilamiz:

$$\int_a^b f(t)dt = F(b) - F(a)$$

yoki integrallash o'zgaruvchisini x bilan almashtirsak:

$$\int_a^b f(x)dx = F(b) - F(a)$$

$F(b)-F(a)=F(x)|_a^b$ belgilash kiritib, oxirgi formulani qo'yidagicha qayta yozish mumkin:

$$\int_a^b f(x)dx = F(x)|_a^b = F(b) - F(a)$$

Teorema isbotlandi.

Integral ostidagi funksiyaning boshlang'ich funksiyasi ma'lum bo'lsa, u holda Nyuton-Leybnits formulasi aniq integrallarni hisoblash uchun amalda qulay usulni beradi. Faqat shu formulaning kashf etilishi aniq integralni hozirgi zamonda matematik analizda tutgan o'rnini

¹⁶ Larson Edvards. /Calculus/ 2010. 283226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

olishga imkon bergan. Nyuton-Leybnits formulasi aniq integralning tatbiqi sohasini ancha kengaytirdi, chunki matematika bu formula yordamida xususiy kurinishdagi turli masalalarni yechish uchun umumiy usulga ega bo'ldi.

Misollar.

$$1) \int_0^1 \frac{dx}{1+x^2} = \arctg x \Big|_0^1 = \arctg 1 - \arctg 0 = \frac{\pi}{4}$$

$$2) \int_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} \frac{x dx}{\sqrt{1+x^2}} = \frac{1}{2} \int_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} \frac{d(1+x^2)}{\sqrt{1+x^2}} = \frac{1}{2} \int_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} (1+x^2)^{-\frac{1}{2}} d(1+x^2) = (1+x^2)^{\frac{1}{2}} \Big|_{\sqrt{3}}^{\sqrt{8}} = \sqrt{9} - \sqrt{4} = 3 - 2 = 1.$$

$$3) \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin^2 x dx = \frac{1}{2} \int_0^{\frac{\pi}{2}} (1 - \cos 2x) dx = \frac{1}{2} \left(x - \frac{1}{2} \sin 2x \right) \Big|_0^{\frac{\pi}{2}} = \frac{\pi}{4}.$$

17-18-mavzu. EHTIMOLLAR NAZARIYASINING BOSHLANG'ICH TUSHUNCHALARI.

Reja:

1. Ehtimollar nazariyasi elementlari.
2. Ehtimolliklar ustida amallar.

Tayanch so'zlar: Tasodifiy hodisa, birgalikda bo'lmagan hodisalar, ehtimolliklarini qo'shish.

Elementar hodisalar fazosi – ehtimolliklar nazariyasi uchun asosiy tushuncha bo'lib, unga ta'rif berilmaydi. Formal nuqtai nazardan bu ixtiyoriy to'plam hisoblanib, uning elementlari o'rganilayotgan tajribaning “bo'linmaydigan” va bir vaqtda ro'y bermaydigan natijalardan iborat bo'ladi.

Elementar hodisalar fazosi Ω harfi bilan belgilanib, uning elementlari (elementar hodisalar) $A, B, C, \dots$ lardan tashkil topgan to'plamni χ harf bilan belgilanadi. Faraz qilaylik χ to'plam chekli yig'indiga nisbatan (agar $A_1, A_2, \dots, A_n$ - hodisalar bo'lsa, u holda $\bigcup_{i=1}^n A_i$ - hodisa), kesishmaga nisbatan (agar $A_1, A_2, \dots, A_n$ - hodisalar bo'lsa, u holda $\bigcap_{i=1}^n A_i$ - hodisa) va to'ldiruvchiga (Ω ning A tegishli bo'lmagan elementlaridan tashkil topgan to'plam bo'lib, bu to'plam A^c orqali belgilanadi) nisbatan yopiq bo'lsin. Agar A va B lar hodisalar bo'lsa, $A \cap B = AB$ sifatida A va B hodisalar bir vaqtda yuz beradigan hodisani, $A \cup B$ sifatida A yoki B hodisalardan biri yuz beradigan hodisani A^c sifatida esa A hodisa yuz bermaydigan hodisani tushunamiz.¹⁷

Ehtimollar nazariyasi “Tasodifiy tajribalar”, yani natijasini oldindan aytib bo'lmaydigan tajribalardagi qonuniyatlarni o'rganuvchi matematik fandir. Bunda shunday tajribalar qaratiladi, ularni o'zgarimas (yani bir xil) shartlar kompleksida xech bo'lmaganda nazariy ravishda ixtiyoriy sonda takrorlash mumkin, deb hisoblanadi.

Bunday tajribalar har birining natijasi **tasodifiy hodisa** ro'y berishidan iboratdir. Biz kuzatadigan hodisalarni quyidagi uch turga ajratish mumkin: muqarrar, ro'y bermaydigan va tasodifiy hodisalar.

Muqarrar hodisa deb tayin shartlar to'plami S bajarilganda albatta ro'y beradigan hodisaga aytiladi.

Mumkin bo'lmagan hodisa deb shartlar to'plami S bajarilganda mutloqo ro'y bermaydigan hodisaga aytiladi.

Tasodifiy xodisa deb shartlar to'plami S bajarilganda ro'y berishi ham, ro'y bermasligi ham mumkin bo'lgan xodisaga aytiladi.

¹⁷ Mathematical Literacy for Humanists, Herbert Gintis, 57-64 226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

Masalan, tanga tashlaganda, u gerbli tomoni, yoki raqamli tomoni bilan tushishi mumkin. Shu sababli “tanga tashlaganda gerbli tomoni bilan tushdi” xodisasi tasodifiydir.

Masalan,

1) Tangani ikki marta tashlash (yoki ikkita tangani birdaniga tashlash)

tajribasi uchun $\Omega = \{GG, GR, RG, RR\}$.

Bu yerda GG– tangani ikki marta ham “gerb” tomoni bilan tushish

hodisasi, RG– birinchi marta “raqam” tomoni, ikkinchi marta esa “gerb” tomoni

bilan tushish hodisasi va qolgan GR, RR hodisalar shularga o‘xshash hodisalar

bo‘ladi. Bu holda $|\Omega| = 4$ va GR, RG hodisalar bir-biridan farq qiladi.

2) Tajriba o‘yin kubigini 2 marta tashlashdan iborat bo‘lsin. Bu holda elementar hodisalar ushbu ko‘rinishga ega: $A_{i,j} = (i, j)$ $i, j = 1, 2, \dots, 6$.

Bunda $A_{i,j}$ hodisa kubikni birinchi tashlashda i raqamli yoq, ikkinchi tashlashda j raqamli yoq tushganligini bildiradi.

Bu tajribada elementar hodisalar fazosi $\Omega = \{A_{i,j}, i, j = 1, 2, \dots, 6\}$. Elementar hodisalar soni $|\Omega| = 36$.

Agar tajriba natijasida A ga kirgan ω elementar hodisalarning birortasi ro‘y bersa, A hodisa ro‘y bergan deyiladi.

Agar shu elementar hodisalardan birortasi ham ro‘y bermasa, A hodisa ro‘y bermaydi, unda A xodisaga teskari xodisa ro‘y bergan deyiladi.

($\bar{A}$ orqali belgilanadi)

A va $\bar{A}$ o‘zaro qarama-qarshi hodisalar deyiladi.

Muqarrar hodisani Ω bilan belgilaymiz. Mumkin bo‘lmagan xodisani $\emptyset$ bilan belgilaymiz.

1. Agar A hodisani tashkil etgan elementar hodisalar B hodisaga ham tegishli bo‘lsa, A hodisa B hodisani ergashtiradi deyiladi va $A \subset B$ kabi belgilanadi.

42-rasm

1. Agar $A \subset B$ va $B \subset A$, ya’ni A hodisa B ni ergashtirsa, va aksincha, B hodisa A ni ergashtirsa, A va B hodisalar *teng* deyiladi va $A = B$ kabi belgilanadi.

2. A va B tasodifiy hodisalarning *yig‘indisi* deb, shunday C hodisaga aytiladiki, bu hodisa A va B hodisalarning kamida bittasi ro‘y berganda ro‘y beradi va $C = A \cup B$ (yoki $C = A + B$) kabi belgilanadi.

3. A va B tasodifiy hodisalarning *ko‘paytmasi* deb, shunday C hodisaga aytiladiki, bu hodisa A va B hodisalar bir paytda ro‘y berganda ro‘y beradi va $C = A \cap B$ (*ëku* $C = A \cdot B$) kabi belgilanadi (3-rasm).

4. A va B tasodifiy hodisalarning *ayirmasi* deb, shunday C hodisaga aytiladiki, u A hodisa ro‘y berib, B hodisa ro‘y bermaganda ro‘y beradi va $C = A \setminus B$ (*ëku* $C = A - B$) kabi belgilanadi.

1. Agar $A \cap B = \emptyset$ bo‘lsa, A va B hodisalar *birgalikda bo‘lmagan hodisalar* deyiladi.

Agar $A_i A_j = \emptyset$ ($i \neq j$) *ea* $A_1 + A_2 + \dots + A_n = \Omega$ bo‘lsa, u holda $A_1, A_2, \dots, A_n$ lar hodisalar to‘la guruxini tashkil etadi deyiladi.

Murakkab hodisaning ehtimolliklarini oddiy hodisalarning ehtimolliklarini hisoblash orqali topiladi.

Birgalikda bo‘lmagan hodisalarning ehtimolliklarini qo‘shish qoidasi. Ikkita birgalikda bo‘lmagan hodisadan istalgan birining ro‘y berish ehtimolligi bu hodisalar ehtimolliklarining yig‘indisiga teng:

$$P(A+B) = P(A) + P(B)$$

Natija: Har ikkitasi birgalikda bo'lmagan bir nechta hodisalardan istalgan birining ro'y berish ehtimolligi bu hodisalar ehtimolligining yig'indisiga teng.

$$P(A_1 + A_2 + \dots + A_n) = P(A_1) + P(A_2) + \dots + P(A_n)$$

Birgalikda bo'lgan hodisalar ehtimolliklarini qo'shish qoidasi. Ikkita birgalikda bo'lgan hodisadan kamida bittasining (hech bo'lmaganda birining) ro'y berish ehtimolligi bu hodisalar ehtimolliklari yig'indisidan ularning birgalikda ro'y berish ehtimolligini ayirilganiga teng:

$$P(A+B) = P(A) + P(B) - P(AB) \quad (1)$$

Bu qoida istalgan chekli sondagi birgalikda bo'lgan hodisalar uchun umumlashtirilishi mumkin. Masalan, uchta birgalikda bo'lgan hodisa uchun:

$$P(A+B+C) = P(A) + P(B) + P(C) - P(AB) - P(AC) - P(BC) + P(ABC)$$

Natija. Qarama-qarshi hodisalarning ehtimolliklari yig'indisi birga teng:

$$P(A) + P(\bar{A}) = 1$$

Bundan

$$P(\bar{A}) = 1 - P(A)$$

1-masala: Idishda 40 ta shar bor, ulardan 15tasi oq rangda, 5 tasi yashil rangda, 20 tasi sariq rangda. Rangli shar chiqish ehtimolligini toping.

Yechilishi: Rangli shar chiqishi bu yashil shar yoki sariq shar chiqishini bildiradi.

$$A = \{ \text{yashil shar chiqish hodisasi} \}$$

$$B = \{ \text{sariq shar chiqish hodisasi} \}$$

$$\text{Ularning mos ravishda ehtimolliklari } P(A) = \frac{5}{40} = \frac{1}{8} \quad P(B) = \frac{20}{40} = \frac{1}{2}$$

A va B hodisalar birgalikda emas (bir rangli shar chiqishi boshqa rangli shar chiqishini yo'qqa chiqaradi).

Izlanayotgan ehtimollik quyidagiga teng

$$P(A+B) = P(A) + P(B) = \frac{1}{8} + \frac{1}{2} = \frac{5}{8}$$

Takroriy ehtimollik

Faraz qilaylik Ω – hodisalar fazosi bo'lib, undagi hodisalar soni n ta, A hodisa esa bu elementlardan m tasini o'z ichiga olsin. U holda, A hodisaning ehtimolligi m/n ga teng. Bu ehtimollikni boshqacha ko'rinishda ham tariflash mumkin.

Faraz qilaylik, tajriba n ta alohida bir- biriga o'xshash natijalarga ega bo'lsin. Shuningdek A - natijalarning qism to'plami bo'lsin va A ning elementlar sonini n(A) harf bilan belgilanadi. U holda, A hodisaning ehtimolligi $P(A) = n(A)/n$ ga teng bo'ladi.¹⁸

Endi tajribani bir necha marta takrorlaylik va har bitta natija takrorlanmaydigan bo'lsin. Olaylik, A – har bir sinovda amalga oshadigan yoki oshmaydigan hodisa bo'lsin. $n_t(A)$ orqali t – tajribagacha A hodisa amalga oshgan natijalar soni bo'lsin. U holda, A hodisaning nisbiy chastotasi deb, $n_t(A)/t$ songa, A hodisaning ehtimolligi $\lim_{t \rightarrow \infty} n_t(A)/t$ songa aytiladi.

Agar A va B hodisalar uchun P(A) ning qiymati B hodisaning amalga oshish yoki oshmaslikka bog'liq bo'lmasa va P(B) ning qiymati A hodisaning amalga oshish yoki oshmaslikka bog'liq bo'lmasa, u holda A va B hodisalar bog'liqmas deyiladi.

Agar A va B bog'liqmas hodisalar bo'lsa, u holda $P(AB) = P(A)P(B)$ tenglik o'rinli.

Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:

1. Ehtimollar nazariyasining boshlang'ich tushunchalarini ayting.
2. Tasodifiy hodisa deb qanday hodisiga aytiladi?
3. Birgalikda bo'lgan va bo'lmagan hodisalarga misol keltiring.
4. Ehtimolliklarini qo'shish qoidasini tushuntiring.

¹⁸ Mathematical Literacy for Humanists, Herbert Gintis, 57-64226 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

1-2-Amaliy mashg'ulot. Mavzu: To'plamlar va ular ustida amallar.

To'plam tushunchasi matematikaning boshlang'ich tushunchalaridan bo'lib, u ta'rifsiz qabul qilinadi. To'plamni tashkil qiluvchi ob'ektlar uning elementlari deyiladi. To'plamlarni A , a , $\{a\}$, A yoki A harflari bilan belgilaymiz. To'plam bir qancha elementlardan iborat bo'lishi mumkin, Qo'yidagi yozuv: $a \in A$, a elementni A to'plamga tegishlilikini bildiradi.

$a \notin A$ a elementni A to'plamga tegishli emasligini bildiradi, yoki mantiq belgisidan foydalangan holda $\neg(a \in A)$ ko'rinishda yozishimiz mumkin

$A, V \subset M = \{1, \dots, 20\}$ to'plamlar uchun Qo'yidagilarni aniqlang:

$A \setminus V, V \setminus A, A \cup V, A \cap V, A', V'. A = \{1, 3, 5, 7, 9\}, B = \{2, 4, 7, 8\}.$

Yechish: Berilgan to'plamlar uchun to'plamlar ustida bajariladigan amallarning ta'riflarini qo'llab qo'yidagi to'plamlarni hosil qilamiz:

$A \setminus B = \{1, 3, 5, 9\}; B \setminus A = \{2, 4, 8\}; A \cup V = \{1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9\};$

$A \cap V = \{7\}; A' = \{2, 4, 6, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20\};$

$V' = \{1, 3, 5, 6, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20\}.$

$(A \cup V) \setminus S = (A \setminus S) \cup (V \setminus S)$ tenglikni isbotlang.

To'plamlarning tengligini isbotlash uchun $M = N \Leftrightarrow M \subset N \wedge N \subset M$ tasdiqdan foydalanamiz.

1) $\forall x \in ((A \cup V) \setminus S) \Rightarrow x \in (A \cup V) \wedge x \notin S \Rightarrow x \in A \vee x \in V \wedge x \notin S \Rightarrow (x \in A \wedge x \notin S) \vee (x \in V \wedge x \notin S) \Rightarrow x \in (A \setminus S) \vee x \in (V \setminus S) \Rightarrow x \in ((A \setminus S) \cup (V \setminus S)).$ Bundan $(A \cup V) \setminus S \subset (A \setminus S) \cup (V \setminus S)$ ekanligi kelib chiqadi.

2) $\forall u \in ((A \setminus S) \cup (V \setminus S)) \Rightarrow u \in (A \setminus S) \vee u \in (V \setminus S) \Rightarrow (u \in A \wedge u \notin S) \vee$

$\vee (u \in V \wedge u \notin S) \Rightarrow u \in A \vee u \in V \wedge u \notin S \Rightarrow u \in (A \cup V) \wedge u \notin S \Rightarrow$

$\Rightarrow u \in ((A \cup V) \setminus S).$ Bundan $(A \setminus S) \cup (V \setminus S) \subset (A \cup V) \setminus S$ ekanligi kelib chiqadi. Demak $(A \cup V) \setminus S = (A \setminus S) \cup (V \setminus S).$

3) To'plamlar jufti berilgan:

a) $A = \{\text{Navoi, Bobur, Furqat, Nodirabegim}\}$ va $B = \text{barcha shoir va shoirlar to'plami};$

b) $C = \text{qavariq to'rtburchaklar to'plami}$ va $D = \text{to'rtburchaklar to'plami};$

d) $J = \text{Samarqand olimlari to'plami}, F = \text{O'zbekiston olimlari to'plami};$

e) $K = \text{barcha tub sonlar to'plami}, M = \text{manfiy sonlar to'plami}.$

Juftlikdagi to'plamlardan qaysi biri ikkinchisining qism-to'plami bo'lishini aniqlang.

4. Qo'yidagi to'plamlar uchun $A \subset B$ yoki $B \subset A$ munosabatlardan qaysi biri o'rinni:

a) $A = \{a, b, c, d\}, B = \{a, c, d\};$ b) $A = \{a, b\}, B = \{a, c, d\};$ d) $A = \emptyset, B = \emptyset;$

e) $A = \emptyset, B = \{a, b, c\};$ f) $A = \emptyset, B = \{\emptyset\};$ g) $A = \{\{\emptyset\}, a, 0\}, B = \{a\};$

h) $A = \{\{a, b\}, \{c, d\}\}, B = \{\{a, b\}, c\};$ i) $A = \{\{0\}, 0\}, B = \{\emptyset, \{\{0\}, 0\}\}?$

5. Munosabatning to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini aniqlang:

a) $\{1; 2\} \subset \{\{1; 2; 3\}; \{1; 3\}; 1; 2\};$ b) $\{1; 2\} \in \{\{1; 2; 3\}; \{1; 3\}; 1; 2\};$

d) $\{1; 3\} \subset \{\{1; 2; 3\}; \{1; 3\}; 1; 2\};$ e) $\{1; 3\} \in \{\{1; 2; 3\}; \{1; 3\}; 1; 2\}.$

6. Qo'yidagi to'plamlar tengmi?

a) $A = \{1; 4; 6\}$ va $B = \{6; 4; 2\};$ b) $A = \{1; 2; 3\}$ va $B = \{1; 11; 111\};$

d) $A = \{\{1; 2\}; \{2; 3\}\}$ va $B = \{2; 3; 1\};$ e) $A = \{\sqrt{256}; \sqrt{81}; \sqrt{16}\}$ va $B = \{2^2; 3^2; 4^2\}.$

7. $x = \{x \mid x^2 - 5x + 6 = 0\}$ va $A = \{2; 3\}$ to'plamlar haqida nima deyish mumkin?

8. $M = (36; 29; 15; 68; 27), P = (4; 15; 27; 47; 36; 90), Q = (90; 4; 47)$ to'plamlar berilgan.

$M \cap P, M \cap Q, P \cap Q, M \cap P \cap Q$ larni toping?

¹⁹ Herbert Gintis, Mathematical Literacy for Humanists. 2010. USA. 11-12, 14-15 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

²⁰ Herbert Gintis, Mathematical Literacy for Humanists. 2010. USA. 11-12, 14-15 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

9. A-18 ning hamma natural bo'luvchilari to'plami, B-24 ning hamma natural bo'luvchilari to'plami. $A \cap B$ to'plam elementlarini ko'rsating?

10. P ikki xonali natural sonlar to'plami, S barcha toq natural sonlar to'plami bo'lsa, $K = P \cup S$ to'plamga qaysi sonlar kiradi?

a) $21 \in K$; b) $32 \in K$; d) $7 \notin K$; e) $17 \notin K$ deush to'g'rimi?

11. "Matematika" va "grammatika" so'zlaridagi harflar to'plamini tuzing. Bu to'plamlar kesishmasini toping?

12. $[1, 5]_{\text{va}} [3, 7]$ kesmalarning kesishmasini toping?

13. $P = \{a, b, c, d, e, f\}$ va $J = \{a, g, z, e, k\}$ to'plamlar birlashmasini toping?

14. $A = \{n | n \in \mathbb{N}, n < 5\}$ va $B = \{n | n \in \mathbb{N}, n > 7\}$ to'plamlar birlashmasini toping?

a) $4 \in A \cup B$; b) $-3 \in A \cup B$; d) $6 \in 4 \cup 5$ deyish to'g'rimi?

15. $A = \{2, 4, 6, \dots, 40\}$, $B = \{1, 3, 5, \dots, 37\}$, $C = \{\{a, b\}, \{c, d\}, \{e, f\}, g, h\}$ to'plamlarning har biridagi elementlar sonini aniqlang. $A \cup B$ da nechta element mavjud?

16. $A = \{2, 3, 4, 5, 7, 10\}$, $B = \{3, 5, 7, 9\}$, $C = \{4, 9, 11\}$ bo'lsin. Qo'yidagi to'plamlarda nechtdan element mavjud:

a) $A \cup (B \cup C)$; b) $(C \cup B) \cup A$; d) $A \cap (B \cup C)$;

e) $A \cup (B \cap C)$; f) $A \cap (B \cap C)$; g) $B \cap (A \cup C)$.²¹

17. $A = \{x | -5 \leq x \leq 10\}$, $B = \{x | x \in \mathbb{N}, 3 \leq x \leq 15\}$ bo'lsin. $A \setminus B$ va $B \setminus A$ to'plam elementlarini toping?

18. Sinfdagi bir necha o'quvchi marka yig'dilar. 15 o'quvchi O'zbekiston markalarini, 11 kishi chet el markalarini, 6 kishi ham O'zbekiston markalarini, ham 16 chet el markalarini yig'di. Sinfdagi necha o'quvchi marka to'plagan?

19. 32 o'quvchining 12 tasi voleubol seksiyasiga, 15 tasi basketbol seksiyasiga, 8 kishi esa ikkala seksiyaga ham qatnashadi. Sinfdagi necha o'quvchi hech bir seksiyaga qatnashmaydi?

19. 30 o'quvchidan 18 tasi matematikaga, 17 tasi esa fizikaga qiziqadi. Ikkala fanga ham qiziqadigan o'quvchilar soni nechta bo'lishi mumkin?

(Ikkala fanga ham qiziqmaydigan o'quvchilar soni $k \in (0, 1, 2, 3, \dots, 12)$).

20. 100 odamdan iborat sayyohlar guruhida 10 kishi nemis tilini ham, fransuz tilini ham bilmaydi, 75 tasi nemis tilini, 83 tasi esa fransuz tilini biladi. Ikkala tilni ham biladigan sayyohlar sonini toping?

21. 26 o'quvchining 14 tasi shaxmatga, 16 tasi shashkaga qiziqadi. Ham shashkaga, ham shaxmatga qiziqadigan o'quvchilar nechta?

3-4-Amaliy mashg'ulotlar. Mavzular: Matematik mantiq elementlari. Mulohazalar va ular ustida amallar

Misollar.

Qo'yidagi misollarda keltirilgan formulalarning qiymati chinlik jadvali yordamida aniqlansin.

$$1. \overline{x \vee y \rightarrow x \& y} \cdot \overline{p_1 \rightarrow (p_1 \rightarrow p_2)}$$

$$2. (x \wedge z) \vee (x \wedge \overline{z}) \rightarrow (y \wedge z) \rightarrow (\overline{x} \wedge y \wedge z)$$

$$3. ((p \rightarrow q) \& (q \rightarrow r)) \rightarrow (p \rightarrow r)$$

$$4. \overline{(x \rightarrow z) \rightarrow ((y \rightarrow z) \rightarrow (x \vee y \rightarrow z))}$$

$$5. (p_1 \rightarrow p_2) \rightarrow ((p_1 \vee p) \rightarrow (p_2 \vee p))$$

²¹ Herbert Gintis, Mathematical Literacy for Humanists. 2010. USA. 11-12, 14-15 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

6. $(P_1 \rightarrow (P_2 \rightarrow P_3)) \rightarrow ((P_1 \rightarrow P_2) \rightarrow (P_1 \rightarrow P_3))$
7. $(P_1 \rightarrow P_2) \rightarrow ((P_1 \wedge P) \rightarrow (P_2 \wedge P))$
8. $(x \leftrightarrow y) \& (x \vee y) \rightarrow (z \rightarrow x)$
9. $(x \rightarrow y) \& (y \rightarrow z) \rightarrow (z \rightarrow x)$
10. $(x \vee \bar{y} \rightarrow (z \rightarrow y \vee \bar{y} \vee x)) \& (x \vee \bar{x} \rightarrow (x \rightarrow x)) \rightarrow y$
11. $(x \& x \& \bar{x} \rightarrow y \& \bar{y} \rightarrow z) \vee x \vee (y \& z) \vee (y \& \bar{z})$
12. $(x \& (y \vee z \rightarrow y \vee z)) \vee (y \& x \& \bar{y}) \vee x \vee (y \& x \& \bar{x})$
13. $(x \rightarrow y) \& (y \rightarrow z) \rightarrow (x \rightarrow z)$
14. $(x \wedge z) \vee (x \wedge \bar{z}) \vee (y \wedge z) \vee (\bar{x} \wedge y \wedge z)$
15. $(x \wedge z) \vee (x \wedge \bar{z}) \vee (y \wedge z) \vee (\bar{x} \wedge y \wedge z)$
16. $((p \wedge q) \leftrightarrow q) \leftrightarrow (q \rightarrow p)$
17. $((p \rightarrow q) \& (q \rightarrow r)) \rightarrow (p \rightarrow r)$
18. $(x \rightarrow z) \rightarrow ((y \rightarrow z) \rightarrow (x \vee y \rightarrow z))$
19. $(P_1 \rightarrow P_2) \rightarrow ((P_1 \vee P) \rightarrow (P_2 \vee P))$
20. $(P_1 \rightarrow P_2) \rightarrow ((P_1 \wedge P) \rightarrow (P_2 \wedge P))$
21. $((p \rightarrow q) \& (q \rightarrow r)) \rightarrow (p \rightarrow r)$
22. $(x \rightarrow y) \& (y \rightarrow z) \rightarrow (z \rightarrow x)$
23. $(x \vee \bar{y} \rightarrow (z \rightarrow y \vee \bar{y} \vee x)) \& (x \vee \bar{x} \rightarrow (x \rightarrow x)) \rightarrow y$
24. $(x \& x \& \bar{x} \rightarrow y \& \bar{y} \rightarrow z) \vee x \vee (y \& z) \vee (y \& \bar{z})$
25. $(x \& (y \vee z \rightarrow y \vee z)) \vee (y \& x \& \bar{y}) \vee x \vee (y \& x \& \bar{x})$
26. $(x \rightarrow y) \& (y \rightarrow z) \rightarrow (x \rightarrow z)$
27. $\bar{x} \vee y \rightarrow x \& y$
28. $(x \wedge z) \vee (x \wedge \bar{z}) \vee (y \wedge z) \vee (\bar{x} \wedge y \wedge z)$
29. $P_1 \rightarrow (P_2 \rightarrow P_1) \quad \bar{x} \cdot \bar{y} \vee (x \rightarrow y) \cdot x$
30. $(xy) \leftrightarrow (z \rightarrow \bar{x})$

5-Amaliy mashg'ulot. Mavzu: Tekislikda to'g'ri chiziqli va uning tenglamalari.

1-masala. $M_0(1,-3)$ nuqtadan o'tuvchi $\vec{P}(2,-5)$ vektorga parallel to'g'ri chiziqli tenglamasini yozing. Yechish (3.7) formuladan foydalanamiz.

$a = 2, b = -5, x_0 = 1, y_0 = 0.$

$$\frac{x-1}{2} = \frac{y-5}{-5}; \quad -5x+5 = 2y+6$$

yoki $5x+2y+1=0.$

2-masala. Ushbu $M_1(1,-3), M_2(3,7)$ nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri, chiziqli tenglamasini yozing.²² Yechish (9.5) formulaga koordinatalarning qiymatlarini qo'yib, ushbuga

²² C.Vineze, L.Kozma, Colleje Geometry. 2014. 160-190 betlarning mazmun mohiyatidan foydalanildi.

$$\frac{x-2}{3-2} = \frac{y+3}{7+10}; \quad 10x-20 = y+3$$

Yoki $10x-y-23=0$.

Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar:

1. $x+2y-3=0$. 2) $y=2x+1$ tenglamalar bilan aniqlangan to'g'ri chiziqni yasang.
2. To'g'ri chiziqning $8x-3y+2=0$ umumiy tenglamasi berilgan. Uning parametrik tenglamasini yozing.
3. Qo'yidagi berilganlarga ko'ra to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing:
 - a) A(2,-6) nuqtadan o'tib, P(1,-1) vektorga parallel to'g'ri chiziq;
 - b) Koordinata o'qlaridan mos ravishda $a=3$, $b=-2$ kesmalar kesib o'tuvchi to'g'ri chiziq;
 - s) A(3,5) nuqtadan o'tib, OX o'qqa parallel bo'lgan to'g'ri chiziq;
 - d) B(-1,2) nuqtadan o'tib, OY o'qqa parallel bo'lgan to'g'ri chiziq;
 - e) A(0,-2) va B(3,-4) nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing.
4. Uchlari A(-3,-2), B(1,2), C(4,-5) nuqtalarda bo'lgan uchburchak berilgan (to'g'ri burchakli dekart koordinatalar sistemasida):
 - 1) Uchburchakni yasang.
 - 2) Uchburchak tomonlari uzunliklarini hisoblang.
 - 3) Uchburchak tomonlari tenglamalarini yozing.
 - 4) A uchidan chiqqan mediana yotgan to'g'ri chiziq tenglamasini yozing.
 - 5) A uchidan chiqqan balandlik yotgan to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing.
 - 6) Uchburchak yuzini hisoblang.

6-Amaliy mashg'ulot. Mavzu: Tekislikda to'g'ri chiziqlarning turli tenglamalariga doir misollar yechish.

1-masala. M0(1,-3) nuqtadan o'tuvchi $\vec{P}$ (2,-5) vektorga parallel to'g'ri chiziq tenglamasini yozing. Yechish.

$$a = 2, b = -5, x_0 = 1, y_0 = 0.$$

$$\frac{x-1}{2} = \frac{y-5}{-5}; \quad -5x+5 = 2y+6$$

$$\text{yoki } 5x+2y+1=0.$$

2-masala. Ushbu M1(1,-3), M2(3,7) nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri, chiziq tenglamasini yozing.

Yechish. Formulaga koordinatalarning qiymatlarini qo'yib, ushbuga

$$\frac{x-2}{3-2} = \frac{y+3}{7+10}; \quad 10x-20 = y+3$$

$$\text{Yoki } 10x-y-23=0.$$

Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar:

1. $x+2y-3=0$. 2) $y=2x+1$ tenglamalar bilan aniqlangan to'g'ri chiziqni yasang.
2. To'g'ri chiziqning $8x-3y+2=0$ umumiy tenglamasi berilgan. Uning parametrik tenglamasini yozing.
3. Qo'yidagi berilganlarga ko'ra to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing:
 - a) A(2,-6) nuqtadan o'tib, P(1,-1) vektorga parallel to'g'ri chiziq;
 - b) Koordinata o'qlaridan mos ravishda $a=3$, $b=-2$ kesmalar kesib o'tuvchi to'g'ri chiziq;
 - s) A(3,5) nuqtadan o'tib, OX o'qqa parallel bo'lgan to'g'ri chiziq;
 - d) B(-1,2) nuqtadan o'tib, OU o'qqa parallel bo'lgan to'g'ri chiziq;
 - e) A(0,-2) va B(3,-4) nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing.
4. Uchlari A(-3,-2), B(1,2), C(4,-5) nuqtalarda bo'lgan uchburchak berilgan (to'g'ri burchakli dekart koordinatalar sistemasida):
 - 1) Uchburchakni yasang.
 - 2) Uchburchak tomonlari uzunliklarini hisoblang.
 - 3) Uchburchak tomonlari tenglamalarini yozing.
 - 4) A uchidan chiqqan mediana yotgan to'g'ri chiziq tenglamasini yozing.
 - 5) A uchidan chiqqan balandlik yotgan to'g'ri chiziq tenglamasini tuzing.

6) Uchburchak yuzini hisoblang.

7-Amaliy mashg'ulot. Ikkinchi va uchinchi tartibli determinant uning xossalari.

Misol. Qo'yidagi determinantni $\begin{vmatrix} 3 & 3 & -1 \\ 4 & 1 & 3 \\ 1 & -2 & -2 \end{vmatrix}$ Sarrius usuli bilan hisoblang.²³

Yechim. $\begin{vmatrix} 3 & 3 & -1 \\ 4 & 1 & 3 \\ 1 & -2 & -2 \end{vmatrix} = 3 \cdot 1 \cdot (-2) + 3 \cdot 3 \cdot 1 +$
 $+ (-1) \cdot 4 \cdot (-2) - (-1) \cdot 1 \cdot 1 - 3 \cdot 3 \cdot (-2) - 3 \cdot 4 \cdot (-2) = 54$

Javob. $\begin{vmatrix} 3 & 3 & -1 \\ 4 & 1 & 3 \\ 1 & -2 & -2 \end{vmatrix} = 54$

Determinantlarni hisoblang:

1. $\begin{vmatrix} 3 & -1 \\ 5 & 4 \end{vmatrix}$.

2. $\begin{vmatrix} -4 & 5 \\ -2 & 3 \end{vmatrix}$.

3. $\begin{vmatrix} 7 & 0 \\ 4 & -1 \end{vmatrix}$.

4. $\begin{vmatrix} -3 & -1 \\ -2 & 3 \end{vmatrix}$.

5. $\begin{vmatrix} \sqrt{a} & a \\ -1 & \sqrt{a} \end{vmatrix}$.

6. $\begin{vmatrix} \cos \alpha & -\sin \alpha \\ \sin \alpha & \cos \alpha \end{vmatrix}$.

7. $\begin{vmatrix} \sin^2 \alpha & \cos^2 \alpha \\ \sin^2 \beta & \cos^2 \beta \end{vmatrix}$.

8. $\begin{vmatrix} 2 & 3 & -1 \\ 3 & -2 & 4 \\ 1 & -1 & 0 \end{vmatrix}$.

9. $\begin{vmatrix} 1 & -1 & 2 \\ 3 & 5 & 0 \\ -2 & -3 & 1 \end{vmatrix}$.

10. $\begin{vmatrix} 3 & 4 & 5 \\ 2 & 3 & 4 \\ 1 & 2 & 3 \end{vmatrix}$.

11. $\begin{vmatrix} 3 & 4 & -1 \\ 2 & -1 & 3 \\ 4 & 3 & -2 \end{vmatrix}$.

12. $\begin{vmatrix} 2 & 7 & -8 & 1 \\ 3 & 15 & 18 & 91 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \\ 27 & 13 & 39 & 1 \end{vmatrix}$.

13. $\begin{vmatrix} 8 & 28 & 38 & 48 \\ 1 & 3 & 5 & 7 \\ 4 & 14 & 19 & 24 \\ 7 & 5 & 3 & 1 \end{vmatrix}$.

14. $\begin{vmatrix} 378 & 253 & 127 \\ 377 & 252 & 126 \\ -3 & -3 & -3 \end{vmatrix}$.

15. $\begin{vmatrix} a & -a & a \\ a & a & -a \\ a & -a & -a \end{vmatrix}$.

16. $\begin{vmatrix} -x & 1 & x \\ 0 & -x & -1 \\ x & 1 & -x \end{vmatrix}$.

17. $\begin{vmatrix} 3 & -1 & 2 & 4 \\ 1 & 2 & 5 & 1 \\ 7 & 0 & 9 & 9 \\ 13 & -1 & 17 & 4 \end{vmatrix}$.

18. $\begin{vmatrix} 3 & 1 & 2 & 4 \\ 0 & 0 & -1 & 6 \\ 2 & 1 & 3 & 1 \\ 2 & -2 & 3 & 1 \end{vmatrix}$.

²³ М.В.Воронов, Г.П.Мещерякова. Математика для студентов гуманитарных факультетов.2002.стр.116-121.

$$19. \begin{vmatrix} -2 & 3 & 2 & 0 \\ 5 & 0 & -3 & 2 \\ 4 & 0 & 1 & 5 \\ 1 & 6 & 2 & 1 \end{vmatrix}, \quad 20. \begin{vmatrix} 3 & 2 & -1 & 3 \\ 4 & -1 & 2 & -3 \\ 3 & 2 & 1 & -2 \\ -4 & 1 & 3 & -1 \end{vmatrix}.$$

8-9--Amaliy mashg'ulot. Mavzu: Chiziqli tenglamalar sistemalari. Kramer formulalari.

Misol. Chiziqli tenglamalar sistemasini Kramer formulalari yordamida yeching:

$$\begin{cases} 3x_1 - 2x_2 + 4x_3 = 21 \\ 3x_1 + 4x_2 - 2x_3 = 9 \\ 2x_1 - x_2 - x_3 = 10 \end{cases}$$

Yechim: Sistemani Kramer formulalari yordamida yechamiz.

$$D = \begin{vmatrix} 3 & -2 & 4 \\ 3 & 4 & -2 \\ 2 & -1 & -1 \end{vmatrix} = 3 \cdot \begin{vmatrix} 4 & -2 \\ -1 & -1 \end{vmatrix} + 2 \cdot \begin{vmatrix} 3 & -2 \\ 2 & -1 \end{vmatrix} + 4 \cdot \begin{vmatrix} 3 & 4 \\ 2 & -1 \end{vmatrix} =$$

$$= 3 \cdot (-4 - 2) + 2 \cdot (-3 + 4) + 4 \cdot (-3 - 8) = -18 + 2 - 44 = -60 \neq 0, \text{ demak, tizim yagona yechimga ega.}$$

$$D_1 = \begin{vmatrix} 21 & -2 & 4 \\ 9 & 4 & -2 \\ 10 & -1 & -1 \end{vmatrix} = 21 \cdot \begin{vmatrix} 4 & -2 \\ -1 & -1 \end{vmatrix} + 2 \cdot \begin{vmatrix} 9 & -2 \\ 10 & -1 \end{vmatrix} + 4 \cdot \begin{vmatrix} 9 & 4 \\ 10 & -1 \end{vmatrix} =$$

$$= 21 \cdot (-4 - 2) + 2 \cdot (-9 + 20) + 4 \cdot (-9 - 40) = -126 + 22 - 196 = -300$$

$$x_1 = \frac{D_1}{D} = \frac{-300}{-60} = 5$$

